O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 5-iyul, shanba | № 54 (7559)

БОЛАЖОНЛАР ҲУВОЖВИ

Жазирама ёзнинг ҳар бир куни болажонлар учун катта байрамга айланган. Тоғлар бағри, зилол сувлар уларнинг танасига роҳат бағишлаш билан биргаликда соғлом, бақувват бўлиб камолга етишларига замин яратади. Обиҳаётнинг танангга бахш этаётган роҳатидан, қувватидан яйраб ўсавер, болажон!

Суратларда: — Вуй, сув жудаям совуқ экан.

— Ҳозир сувга отаман, бир, икки, уч.



ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

РЕЙТИНГ САМАРА БЕРАДИ
фақат уни чуқур англаган ҳолда қўллашимиз керак
4-бет

БИЗ ҲАМ «ЎҚИТАМИЗ»
5-бет

«ЕТТИ ИҚЛИМ» ТАЪРИФ ЭТИЛГАН АСАР
7-бет

ШОИР ҚОЛДИРГАН БОҒ
7-бет

БОШИМИЗ ТАЪЗИМДАДИР, ОНАЖОН ВАТАН!
11-бет

АЛКИМЁГАР
роман
12-бет

ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ СИЁСИЙ БЎҒИНИ
13-бет

"ХАРТУМ" КРОССВОРДИ
16-бет

Tashabbus

МАКТАБГА КОМПЬЮТЕРЛАР

у саховатпеша инсонлар кўмагида келтирилди

Муаммоларни ҳал этишда ота-оналар йиғилишининг ўрни ҳам беқиёслигини айтиш жоиз. Бир гал 4-"А" синфнинг ота-оналар йиғилишида ўзимнинг режамни ота-оналар билан ўртоқлашдим. Саховатпеша ота-оналардан Нурмамат бобо сўз олиб, бир ойлик нафақасини мактаб таъмири учун дея, 10.000 сўм пулни ўртага қўйди. Иброҳим Ойбеков эса 4 та банка идишда бўёқ олиб беришини айтди. Улардан ўрнак олган бошқа ота-оналар турли хил қурилиш материалларини ва юмушларни бажариб беришларини ўз зиммаларига олдилар. Шу тариқа мактаб таъмирдан чиқарилди.

Ҳозирги тараққиётни компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мактабимизда бир эмас, иккита компьютер синфи бўлса-да, бугунги кун талабига жавоб бера олмайди. Режа туза туриб, мактабимизни битириб кетган собиқ ўқувчиларим кўз олдимдан ўтди. Шунда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтида проректор бўлиб ишлайдиган Дилшод Бозоров ёдимга тушди. Институт ректори, профессор Фаррух Оқназаровга иккиланиб хат йўлладим. Кўп ўтмай жавоб ҳам келди.

Хатда институт ректори бизнинг илтимосимизни инобатга олиб, 2 та компьютер синф мажмуасини (20 дона) жамоамизга ҳадя этилганини айтганди.

Н.НАРЗУЛЛАЕВ,
Каттақўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори

ЮРТНИ СЕВ, ТУПРОҒИНИ ЎП!

Ҳар гал шу ўгитни эслаганимда, буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангубердилар ибратлари ёдимга тушаверади. Нега улар бир кафт тупроқни муқаддас билишган? Киндик қони томган жойни обод қилиш баробарида унинг ҳимояси учун кўксини қалқон этишда не синоат бор? Йўллари Ватандан айри тушганларида эса ҳижрон азоби улар қалбини ўртагани ҳам ҳақиқат.

Демак, ватанпарварлик, она юртни севиш, соғиниш туйғулари авлоддан авлодга келаётирки, бу бизга бебаҳо мерос саналади. Истиқлол боис ватанпарварлик, маданий мерос, маҳалла тушунчалари юксак қадрланадиган бўлди.

Ўз ўрнида маҳалла ҳам маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар маскани, оилаларнинг тоғдай таянчи, ишонган маслаҳатчиси, барчани бирлаштирувчи қутлуғ ва мўътабар даргоҳ сирасига киритила бошланди. Инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеъдан қатъи назар уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи маҳалланинг "Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим"лиги Юртбошимиз томонидан алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 3-бетда)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

ELCHI DO'STLIK ORDENINI OLDI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov mamlakatimiz bilan Amerika Qo'shma Shtatlari o'rtasidagi ko'p tomonlama hamkorlikni rivojlantirishga katta hissa qo'shgan, ikkala mamlakat xalqlari o'rtasida hamjihatlik va ishonchni mustahkamlashda faol ishtirok etgan AQShning O'zbekiston Respublikasidagi Favqulodda va Muxtor elchisi Jon Edvard Xyorbstni do'stlik ordeni bilan mukofotlash to'g'risida farmon berdi.

ROSSIYA PREZIDENTI TASHRIF BUYURADI

Rossiya Federatsiyasi Prezidenti V.Putin 2003 yil 6-7 iyul kunlari amaliy tashrif bilan O'zbekistonda bo'ladi. Tashrif chog'ida O'zbekiston bilan Rossiya o'rtasidagi munosabatlarning bugungi ahvoli va istiqbollari hamda tomonlarni qiziqtirgan xalqaro muammolar muhokama etilishi rejalashtirilmoqda.

Hech bir sohaning mavqei ham, jamiyatda tutgan o'rni ham boshqasinikidan kam emas. Hamma sohaning kadrlariga ham ehtiyoj bor. Demak, kadrlar tayyorlashga harakat qabul jarayonidanoq boshlanishini unutmaslik kerak.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

PREZIDENTIMIZ ALMATIGA BORADI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov "Markaziy Osiyo hamkorligi" tashkilotiga a'zo davlatlar rahbarlarining sammitida ishtirok etish uchun 2003 yil 5-6 iyul kunlari Almati shahriga tashrif buyuradi.

BEG'ARAZ YORDAM

Yaponiya hukumati O'zbekistonda kadrlar tayyorlash uchun stipendiya taqdim etish grant loyihasi bo'yicha 2003 moliyaviy yilga mo'ljallangan 58 million iyena miqdorida o'zbekistonlik talabalarning Yaponiya oliy o'quv yurtlarida ta'lim olishi uchun beg'araz yordam ajratdi. Shu munosabat bilan Vazirlar Mahkamasida bo'lib o'tgan marosimda almashuv notasini H.Karomatov va Yaponiyaning mamlakatimizdagi Favqulodda va muxtor elchisi Akio Kavato imzoladi.

FERMERLAR AQSHGA JO'NAB KETDI

O'zbekiston Qishloq va suv xo'jaligi vazirligida Amerikaga 12 oyga malaka oshirishga jo'nab ketayotgan 6 nafar fermer ishtirokida matbuot anjumani o'tkazildi. Fermer safari AQSH davlat departamentining dasturi, KTLI Giobal Group Inc. hamda mamlakatimizdagi yangi yuqori texnologiyalar markazi hamkorligida amalga oshirilmoqda.

YANGI MARKAZ

O'zbekiston yosh olimlari milliy jamiyati negizida yosh tadqiqotchilarning kompyuter savodxonligini va internet tizimida ishlashini bepul o'qitish bo'yicha internet o'quv markazi tashkil etildi.

МЕҲНАТ ҚАДРИ

Шу кунларда Республикамиздаги барча умумтаълим мактабларида таъмирлаш ишлари авж паллада. Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 2-ўрта мактабда ҳам таъмирлаш ишлари тугаш арафасида. Мактабдаги 18 та синфхона, спорт зали, ўқитувчилар хонаси, йўлаклар шу даргоҳда дарс бераётган ўқитувчилар бригадаси ташаббуси ва меҳнати эвазига таъмирланди.

— Алишер Шербеков бошлиқ 8 нафар ўқитувчиларимиз 5 йилдан бери ёз келиши билан ишга киришиб, июль ойининг бошларида мактабимизни таъмирдан чиқариб бизга топширадилар. Биз мактаб фондидан уларни рағбатлантирамиз, — дейди мактаб директори Файзулло Маматов.

Бизни қойил қолдиргани шу бўлдики, мактабдаги таъмирдан чиққан синфхоналарни кўра бошлаганимизда, ўқитувчилар бригадаси бошлиғи Алишер Шербеков синфхоналарга оёғидаги туфлисини ечиб кирди. Бундай ўз меҳнатига ҳурматда бўлиш ўқитувчига ярашар экан.

Суратда: А.Шербеков (чапда) ҳамда мактаб директори Ф.Маматов (ўнгда) таъмирдан чиққан синфхонани кўздан кечирмоқда.

Бурхон РИЗО

ЭЪТИРОФ МУБОРАК, "MA'RIFAT" МУАЛЛИФЛАРИ

Ўқув йили тугаб, таълим муассасаларида ишни бир мунча енгиллаштирган июнь ойи ҳам ортда қолди. Ўтаётган йилнинг олтинчи бекатида ҳам газетамизда бир қанча салмоқли, ўқувчини ўзига жалб этадиган мақолаю интервьюлар, рангбаранг саҳифалару янги-янги хабарлар эълон қилинди. Ушбу эълон қилинган материаллар орасидан анъанага айланиб қолган "Ma'rifat" танловининг навбатдаги ғолибларини аниқлаш ҳам гуруҳ аъзоларининг баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Демак, ғолибларни аниқлаш гуруҳи аъзоларининг якуний хулосаси шундай:

"Ma'rifat" tanlovi

Энг яхши саҳифа — журналист Норали Аслоннинг 28 июнь куни эълон қилинган "Тил қандай юксалади?" номли мақоласи. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу номинация бўйича газетада кўпгина мақолалар, жумладан, "Ғарб демократиясининг тараққиёт тарихи" саҳифаси (М.Қосимжонов, Д.Умарова, 14-21 июнь сонлари) ҳам гуруҳ аъзолари томонидан эътироф этилди.

Энг яхши мақола — номинацияси бўйича эса Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи Ҳамидулла Даминов ҳамда Баҳодир Жовлиевнинг "Мактаб иқтисодиёти: у қандай ташкил этилади?" мақоласи (7 июнь) биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Газетанинг "Mehmonxona" рукнида берилган "Халқоналик санъаткорнинг безаги" (журналист Каримжон Абдураҳмоновнинг Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов билан қилган суҳбати 21 июнь) интервьюси «Энг яхши интервью» номинациясида ғолиб бўлди. Яна шу номинация бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гулчеҳра Жамилова билан уюштирилган "Ижодкор ёзишдан тўхтамаслиги керак" сарлавҳали суҳбат ҳам гуруҳ аъзоларининг эътиборидан четда қолмади.

Энг яхши янгилик номинацияси ғолиблигига эса, Зангиота туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси Гулчеҳра Шерматованинг "Отахон мактабга нега келди?" (4 июнь) янгилик сазовор бўлди.

Энг яхши фотосурат, фотолавҳа деб эса ЎзА фотомухбири Абдувоҳид Тўраевнинг 28-31 май кунлари Москвада бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Саммитида олинган лавҳа (4 июнь) топилди.

"Ma'rifat" меҳнаткаш муаллифларни қутлайди ва уларни яна танловга чорлайди.

ДУНЁНИ БИЛИШНИНГ КАЛИТИ

Seminar-trening

Кейинги вақтларда кўча-кўйда, жамоат жойларида интернет тармоғи хусусидаги шундай реклама ёзувларига кўп бора гувоҳ бўлмоқдамиз: "Замондан ўзишни истасанг, биз билан ошно тутин". Биз эса сал муболаға билан айтилган бу хитобни бошқача тарзда ифодаламоқчимиз: замон билан ҳамнафас бўлишни истаган киши, аввало, замонавий компьютерлар ёрдамида жаҳон тармоқларидан олинаётган ахборотлардан самарали фойдаланиш, янаям муҳими, ахборотнинг энг мақбулини танлаб олишни ўрганиши лозим. Бунинг учун эса жамоат таълим марказларининг ўқув дастурларида янги ахборот технологияларидан фойдаланишни ўзлаштириш муҳим ўрин тутади. Республика таълим марказида ЮНЕСКО ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликда ўтказган жамоат таълим марказларининг ўқув дастурларида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш тўғрисидаги икки кунлик семинар-тренинг ҳам шу мақсадни кўзлайди. ЮНЕСКОнинг бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлган 31 та мактаб базасида яратилаётган жамоат таълим марказларининг қирқ нафарга яқин вакилларининг мазкур тренингда қатнашиши ҳам бу борада улар салоҳиятини оширади.

— 1998 йилдан буён ЮНЕСКО ташкилоти билан Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари ўртасида жамоат таълим марказлари фаолияти амалга ошириб келинмоқда, — дейди ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия бош эксперти Алишер Аҳмедов. — Ўзбекистонда эса ҳозирга қадар еттита жамоат таълим марказлари очилди. Бугунги семинар-тренингни ўтказишдан мақсад эса аҳолининг турмуш даражаси, билим савиясини ўқув тадбирлари лойиҳалари ва дастурлари орқали янада кўтаришдир. Шу боис Шаҳрисабз туманидаги 32-мактаб, Марғилон шаҳридаги 27-мактаб, Чирчиқ шаҳридаги 12-мактабларга ўн бешта «Pentium — IV» русумдаги компьютер мажмуалари тақдим этилди. Шунингдек, миллий комиссиямиз фақат мактаб ёки маҳаллаларда эмас, балки ёшлар, аёллар масалалари, умуман, кўпгина йўналишларда ҳам фаолият юритишини айтиш жоиз.

Хуллас, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган қирқ нафарга яқин информатика ва ҳисоблаш техникаси фани муаллимлари икки кун давомида "Глобал ва маҳаллий ахборот тармоқлари: интернет, маҳаллий компьютер тармоғи, вэб-саҳифа", "Ахборот тармоқлари хавфсизлиги", "Масофадан таълим", "Маҳалла ва ўқув муассасалари маълумот манбасини яратиш", "Мультимедиа ўқув дастурларини яратиш" бўйича ўз маълумотларини оширдилар.

Семинар-тренинг машғулотлари тугагач, барча иштирокчилар ўзлари учун анчайин керакли маълумотлар олишганини, ҳатто айримлари билмаганларини ўрганганликларини мамнуният билан таъкидлашди.

Жамшид МАТЁҚУБОВ

ЭНГ КЎП ҲУЖЖАТ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида

Jarayon

Абитуриентнинг ҳужжатлари қўлида. Қайсига топширса экан? Мўлжали борлари, сира иккиланмасдан танлаган олий ўқув даргоҳига боради. Отаонаси раъйи билан иш тутувчи йигит-қизлар эса уларга қарши боролмай, раҳнамолари кўрсатган йўлдан юришади. Қисқаси, абитуриент ҳар қандай ҳолатда ҳам яхши ниятларни дилига тугиб, институт ёки университет қабул ҳайъатига кириб келади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қабул ҳайъати бошқа муассасалардан фарқли ўлароқ, абитуриентларни қабул қилиш бўйича бир мунча юқори кўрсаткични эгаллаб турибди. Бу нимадан далолат бериши ҳам маълум. Университет раҳбарияти қабул масаласи билан фақат бу мавсумда эмас, балки йил бўйи муттасил шуғулланади. Қолаверса, унинг таянч олий таълим муассасаси эканлиги, тайёрланаётган кадрларининг жамиятда ўз ўрнини топаётганлигини ҳам инкор этолмаймиз.

Бу йилги қабул мавсуми, университетда одатдаги тартибга мувофиқ, 20 июндан бошланди. Мавсумга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилди. Абитуриентларга таълим йўналишлари ҳақида маълумот берувчи стендлар, ўқиш шакллари, шарт-шароитларидан сўзловчи матнлар осиб қўйилди. Қабул фақат кундузги бўлим учун эмас, сиртқи бўлим, махсус сиртқи таълим, шунингдек, магистратура мутахассисликларига ҳам эълон қилинган. Шу жиҳатдан олганда, ҳужжатлар қабули бир нечта жойда ташкил қилинган. Бунга доир университет ректорининг "2003-2004 ўқув йили қабул ҳайъати учун тезкор ишчи гуруҳ ташкил этиш ҳақида"ги буйруғи ҳам чиқарилганини таъкидлаб ўтиш керак. Ана шу буйруқ асосида абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни компьютерга махсус дастур асосида киритиб борадиган гуруҳ ташкил этилган. Бу гуруҳ барча маълумотларни давлат тест марказига 20 июндан бошлаб узатиб боришда иштирок этмоқда.

Доимий фаолият кўрсатувчи қабул ҳайъати масъул котиби Дилшодбек Эргашев билан суҳбатлашганимизда, бизни қизиқтирган маълумотлар ўз-ўзидан ойдинлашди:

— Бакалавриатнинг 24 та йўналиши, магистратуранинг эса 30 та мутахассислиги, шунингдек, махсус сиртқи бўлимга белгиланган миқдорда қабул эълон қилинган. Албатта, даъвогарлар кўп, аммо улар ўз билим даражаларига қараб сараланади. Ўтган йили 11600 та ариза тушган эди. 2002 йилнинг шу даври билан солиштирсак, ҳужжатлар қабулида унчалик катта тафовут сезилмайди. Бу йил эса тахминий ҳисоб-китобларга кўра 21-24 мингта ариза тушиши кутилмоқда. Кўпчилик, бу йил ҳам 11-синф битирувчилари кам, шунга биноан абитуриентлар кўп эмас, деб ўйлашади. Аслида эса абитуриент фақат умумтаълим мактабларидан эмас, балки академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан ҳам келади. Қабулнинг сўнгги ҳафтасида бир кун мобайнида 1000-1500 тагача ҳужжат олганимизга ишонмаслигингиз мумкин. Дастлабки кунлардаёқ ҳужжатни қўлтиқлаб келган абитуриент ўқитувчи бўлишни астойдил хоҳлайди. Кейинчалик топширганлар орасида бошқа соҳага ўзини урищдан чўчиганлар, иккиланганлар ёхуд таваккал, омадимни шу ерда бир синаб кўрай, дейдиганлар учрайди.

Айрим йўналишларда, хусусан, мусиқа, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, корейс тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, амалий санъатда ижодий имтиҳонлар жорий қилинган бўлиб, у 27 июлга қадар ўтказилади. Бу мутахассислик фанлари бўйича 111,6 баллик тизим жорий қилинган бўлиб, абитуриент тўплаган балл ДТМга жўнатилади. Кейинчалик яъни тест синовларидан сўнг ўша баллар абитуриент йўллаган умумий балга қўшиб ҳисобланади.

Абитуриент ҳужжат топшириб бўлди. Энди у билан қандай ишлаш керак? Агар улар орасида иккинчи, учинчи йил келганлари бўлса, тажриба бор. Аммо, аксариятининг илк бор келаётганликлари ҳисобга олиниб, уларга фанлар бўйича консультациялар ташкил қилинади. Консультациянинг яна бир тури тест технологиясини тушунтириш билан боғлиқ бўлиб, абитуриентга "Саволлар китобчаси", "Жавоблар варақаси" бўйича тегишли йўл-йўриқлар берилади.

Университетга махсус сиртқи таълим бўйича 690 киши қабул қилиниши керак. Шундан 220 нафари грантга, 470 нафари эса тўлов-контрактга. Тушаётган аризалар асосан Тошкент вилояти туманларидан бўлиб, 1 июль ҳолатига кўра, 65 киши қайд қилинган. Бу кундузги бўлимдаги аксарият таълим йўналишларидан ҳам юқори кўрсаткичдир. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидан ҳам амалиётчи ўқитувчиларнинг ҳужжат топшираётганликлари қувончли ҳолдир. Масъул котибнинг махсус сиртқи таълим бўйича муовини Рауф Ёрқуловнинг таъкидлашича, бу йил камида 1400 та ариза тушиши мўлжалланяпти.

... Сўнгги маълумотни олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан 3 июль куни олдик. Бу даргоҳга тушган жами аризалар 604 та. Бошқа олий таълим муассасалари билан таққослаганимизда, университет рўйхатнинг бошида туради.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия (41), Тошкент фармацевтика (67), Миллий рассомлик ва дизайн (10), кимё-технология (48) институтлари, Тошкент Давлат консерваторияси (72) га келаётган абитуриентлар оқими (3 июль ҳолати) кишига қониқиш ҳиссини бермайди. Лекин бунинг сабабини ҳали умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида етуклик шаҳодатномалари, дипломлар тўлиқ тарқатилмагани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ўтган йилнинг шу даврида олий таълим муассасаларига 13300 та ариза тушган бўлса, бу йил анча ўсиш бор: 13900 та.

Ҳеч бир соҳанинг мавқеи ҳам, жамиятда тутган ўрни ҳам бошқасиникидан кам эмас. Ҳамма соҳанинг кадрларига ҳам эҳтиёж бор. Демак, кадрлар тайёрлашга ҳаракат қабул жараёниданоқ бошланишини унутмаслик керак.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

ЮРТНИ СЕВ, ТУПРОҒИНИ ЎП!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонига кўра, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил этилди. Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрелдаги XIV сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида"ги қонуни туфайли маҳалланинг мақоми мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Хўш, маҳаллаларда нима гап? Маҳалла оқсоқолларининг бола таълим-тарбиясидаги ўрни қандай бўлаётир? Биз бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида пойтахтдан унча узоқ бўлмаган Тошкент туманидаги Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Алишер Навоий" номидаги маҳалла ҳаёти билан яқиндан танишдик. Маҳалла оқсоқолининг оппоқ сочларию нур ёғилиб турувчи чеҳраси, дид билан кийинишию юксак маънавиятига қараб, "Ўқитувчидан чиққан оқсоқол бўлса керак», деб ўйлайсиз ва адашмайсиз ҳам. "Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", иқтисод фанлари номзоди, доцент Эркин ота Ғуломов 35 йилдан ортиқ Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида талабаларга сабоқ берди. Шу туфайли бўлса керак, маҳалла — тарбия маскани эканига алоҳида эътибор қаратиб, ёшлар тарбиясини назардан қолдирмаяпти.

— Ҳозир болажонларнинг таътил кунлари. Аммо тарбияда таътил, танаффус бўлмайди, — дейди оқсоқол. — Бекорчиликдан кўп нохуш воқеалар рўй беришининг олдини олиш мақсадида ёшлар тарбиясида қуйидаги йўналишларга эътибор берилмоқда.

1. Тарбияда "Оила — маҳалла — мактаб" бирлигига қатъий риоя этиш.

2. Ёшлар ва ўсмирларни гиёҳвандлик, диний экстремизм ва ақидапарастлик таъсирига берилиб қолишдан сақлаш.

3. Ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида уларни ижтимоий-фойдали меҳнат ва спортга жалб этишда кўмаклашиш.

4. Маҳалла ёшларининг маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришлари учун маҳалла гузарларида етарли шароит яратиш.

5. Тарихий шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, музей ва театрларга саёҳатлар уюштириш.

6. Ёшларнинг кекса ва ўрта авлод вакиллари билан учрашувларини ташкил этиш.

Юқоридаги ишлар маҳалламизда йил давомида амалга ошириб келинмоқда. Маҳалламиздаги ҳар бир бола бизнинг назоратимизда. Ҳудудда ўсаётган ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъул. "Бир болага етти маҳалла ота-она" дейилишида катта ҳикмат бор. Намунали оила, унда камол топган оқил фарзанд — маҳалланинг обрўси; ноаҳил оила, ундаги кўнгли ярим, тарбияси бўш фарзанд маҳалла учун "қора доғ" ҳисобланади. Маҳалламиз обрўсини сақлаб қолиш учун уч ойлик таътилда фаоллар билан кенгашиб, қизлар учун зардўзлик тўгараги ташкил этдик.

Меҳнат фахрийси Тўлқин Убайдуллаев эса ажойиб ташаббус билан чиқди. У таътил кунларида болалар бекор қолмаслиги учун шахмат тўгараги очиб, 9-мактаб ўқувчилари Исроил Усмонов, Миракбар Одилов, Зафар Нурматов, Улуғбек Алиев, Ҳакимжон Азимов ва бошқаларга ақл гимнастикаси сирларини ўргатмоқда.

Дарвоқе, Тўлқин отанинг набираси Беҳзод Убайдуллаев спортнинг миллий якка кураш, каратэ, футбол ва волейбол турларига жуда қизиқади. 17 ёшли Беҳзод маҳалламиз фахри, у "Турон" миллий якка кураши бўйича Республика мусобақасида II ўринни қўлга киритди.

Ҳа, Тўлқин ота фақат набираси эмас, унинг дўстлари, маҳалла болалари ҳам ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олишини истайди.

Маҳаллада 12-14 ва 15-17 ёшдаги ўсмирларнинг "Зафар" футбол жамоаси таркиб топган бўлиб, Элёр Ниғматов, Жавоҳир Абдуазимов, Ҳабибулло Ғофуров, Ҳусан Аъзамхўжаев, Равшан Ҳабибуллаев каби ёш футболчилардан маҳалладошларнинг умидлари катта. Маҳалла оқсоқоли шу кунларда болалар ёрдами, ҳашар орқали кичик боғ яратиш ишқида ёнмоқда. Тўғри, спорт билан шуғулланувчилар учун спорт заллари мавжуд. Лекин Эркин отанинг орзуси жазирама ёзда стол тенниси, шахмат-шашка машғулотлари билан болаларнинг соя-салқин жойда шуғулланишига имкон яратишдир.

Туман раҳбарияти ҳам маҳаллага алоҳида эътибор билан қарайди. Яқинда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент тумани бўлими маҳалладаги 45 нафар болалар учун яна бир мурувват кўрсатдилар. Кам таъминланган, қаровчиси йўқ оила фарзандлари Тошкент-Ленд боғига бепул саёҳатга олиб борилди.

Албатта, бундай тадбирлар фарзандлар тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

СПОРТ АНЖОМЛАРИ ҲАДЯ ҚИЛИНДИ

"Соғ танда — соғлом ақл" дейдилар. Биз каратэ кураши билан шуғулланаётган ака-ука — Ҳамидулла, Машрабжон ва Убайдулла Махаматовларни кузатар эканмиз, уларнинг келажакда қора белбоғ соҳиби бўлишларига умид қилдик. Стол тенниси атрофидаги болажонларнинг қувончига шерик бўлиб, қушдек енгил ҳаракатларини ҳавас билан кузатдик.

Республика касаба уюшмалари федерацияси маҳалла болаларига ўнта футбол формаси, футбол ва волейбол сеткаси (тўри), шахмат-шашка, теннис столи — жами ярим миллион сўмлик спорт анжомлари совға қилганидан барча мамнун. Зеро, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур".

"ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ"ДА ЯРАТИЛГАН ГУЛЗОР

Ушбу гулзорни кўриш учун 85 ёшли нуроний отахон Йўлдош ота Ғаффоров ҳузурига бордик. Уруш ва меҳнат фахрийси Йўлдош ота табиатан гўзал манзаралар шайдоси бўлиб, катта боғ ташкил этган экан. Бу йил эса ранг-баранг гуллар экиб, "Истиқлол ғунчалари" номли гулзор барпо этибдилар.

— Набирам Ҳабибулло билан эртаю кеч боғ ва гулзорда бандмиз, — дейди отахон. — Кўчат ва гулларни парваришлаймиз, ҳам улар ҳосили, чиройи, муаттар ҳидидан баҳрамандмиз. Набирам таътилда боғдорчилик билан шуғулланиб, ёнимда тиргаклигидан хотиржам кексалик гаштини сурямман.

Ҳақиқатан, отахоннинг ибратли ишларида набира тақдири учун жонкуярлик сезилади. Ўзбек халқи қадимдан касб-ҳунари, меҳнатсеварлиги, ҳалол ва поклиги билан дунёга танилиб келмоқда. Халқимизнинг заргарлик, нақкошлик, чорвадорлик, боғбонлик, бешиксозлик, дўппидўзлик каби ҳунар маҳсулотлари ўзининг бетакрорлиги, гўзаллиги, мафтункорлиги билан дунё халқларини лол қолдирмоқда. Ана шундай ҳунарлар болаларга боболари орқали ўтаётгани ибратли ҳолдир.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР ОШИРИЛСА

албатта, маҳалла тинч, оила хотиржам бўлади.

Алишер Навоий номидаги маҳаллада 4.000га яқин аҳолининг 70 фоизини ёшлар ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, маҳалла ўсмирлари, ёшлари орасида бирорта бўлса ҳам гиёҳвандлик билан шуғулланувчи, диний-экстремистик оқимлар таъсирига берилганлар учрамайди. Асосийси, 2003 йилнинг шу кунигача ёшлар ўртасида жиноят содир этилгани йўқ. Чунки улар орасида ишсизлар, бекорчилар учрамайди. Мактаб ўқувчилари бўш вақтларини спорт билан шуғулланиб ёки маҳалла кутубхона, дарсхоналарида китоб, газета-журналлар мутолаа қилиб ўтказмоқдалар. Маҳалладаги бунёдкорлик, ободончилик, тарбиявий ва спорт ишларининг бош ҳомийси Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Искандар Фозилов номини алоҳида тилга олиш жоиз. У маҳалла манфаати учун зарур бўлган ҳар бир ишда ўзининг моддий ва маънавий ёрдамини аямаяпти. Маҳалла болалари ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларда Тоҳира Тошметова, Омина Каримова, Раҳима Орипова, Эргаш Махаматов, Маъмура Жўраева каби фаолларнинг катта ҳиссаси борлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

ОНА ТУПРОҚ ҚУДРАТИ

Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний фикрича, инсон туғилган юртидан узоқ кетса уни "тортиб келатурғон қувват ўз ватанларининг, она тупроқларининг меҳру-муҳаббатидур". Ватан тупроғидаги оддий хас ҳам, чағир тош ҳам бизга муқаддас. Демак, уни қадрлаётган, маҳалла — кичик ватанни юксалтириш йўлида изланаётган, "Юртни сев, тупроғини ўп!" ўгитига амал қилиб, фарзандлар таълим-тарбиясида жонкуярлик қилаётган ватандошларимиз ишлари ибратга моликдир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Суратларда: маҳалла ҳаётидан лавҳалар.
Эргаш ҚОДИРОВ олган суратлар.

Reyting — davlat ta'lim standartlari talablariga muvofiq, o'quvchilar tomonidan dastur materiallarini maksimal to'liq o'zlashtirilishini ta'minlaydi.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИГА БАҒИШЛАНДИ

Amaliy seminar

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчининг асосий мураббийси уни касб ўрганишга етакловчи ишлаб чиқариш таълим устасидир. Унинг олдида шогирдининг илмий дунёқарашини ўстириш, меҳнатга ижодий муносабатини таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизоми ва маданиятини, жамоа олдидаги бурч, ҳис-туйғуларини тарбиялашдек масъулият туради. Бу вазифаларни адо этиш учун ўқитувчи фан ва техника соҳасидаги ютуқлардан муттасил фойдалана билиши, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ишлаб чиқариш таълими тажрибаларини татбиқ эта олиши муҳим аҳамият касб этади. Навоий вилояти Кармана туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган "Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ва тажриба хўжаликларида машғулотларни ўтказиш самарадорлигини ошириш бўйича педагогик тажрибалар" мавзусидаги амалий семинар ҳам ана шу борадаги изланиш, эришилаётган муваффақиятларни умумлаштириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирга ташриф буюрган вилоятдаги қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари директорлари, муҳандис-педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари даргоҳнинг ўқув-тажриба хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Амалий таълим устаси Х.Нурмоновнинг "Ғалла экинларининг етилиш фазаларини аниқлаш" мавзусидаги амалий машғулотини кузатиб, ўзаро муҳокама қилдилар, фикрлар алмашдилар.

Семинарнинг иккинчи қисми ўқув устахоналарида давом этди. Амалий таълим усталари Р.Ражабовнинг "Д-144 двигателини таъмирлашга тайёрлаш", Ш.Рамазоновнинг "П-3-35 маркали плугнинг асосий узелларини қисмларга ажратиш ва йиғиш" мавзуларида амалиёт дарсларини намойиш этишди.

— Коллежда ўқувчилар ўрганаётган касб-ҳунарини онгли, чуқур эгаллаши учун зарур бўлган замонавий билимлар билан қуроллантирилади. Ишлаб чиқариш таълими жараёнида эса ўқувчиларда муайян меҳнат жараёнларини амалга ошириш кўникмалари шакллантирилади, яъни улар билимларини амалда қўллаш, малакасини эгаллашга ўргатилади, — деди умумий йиғилишда сўз олган Навоий вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Б.Ҳосилов.

Шунингдек, семинарда касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш таълими дарсларини, амалий машғулотларни самарали ўтишни таъминлаш мақсадида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти томонидан яратилган бир қатор услубий қўлланмалар мураббийларга фойдаланиш учун тавсия этилди.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
махсус мухбиримиз

Болаликни ёш ниҳолга қиёс қилишади. Зеро, ниҳол ҳам, жажжи болалар ҳам парваришга, тарбияга ташна бўлади. Боғча опаларидан илк таълим-тарбия сирларини олаётган мана бу оташнигоҳ жажжи болажонлар ҳам йиллар ўтиб замонамизнинг Беҳзоду Монийлари бўлиб етишса ажабмас.

Суратда: Тошкент шаҳридаги 247-мактабгача таълим муассаси тарбиячиси Маҳфуза Саримсоқова болаларга расм чизишни ўргатмоқда.

Бурхон РИЗО олган суратлар

РЕЙТИНГ САМАРА БЕРАДИ

фақат уни чуқур англаган ҳолда қўллашимиз керак

Dolzarb mavzu

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида замонавий таълим-тарбия жараёнининг тўлиқ амалга оширилишида ўқувчи билимини баҳолашнинг рейтинг тизими катта аҳамиятга эгадир. Шу боис мактабимизнинг 2-4-синфларида бу янгилик 2002-2003 ўқув йили бошидан жорий этила бошланди. Рейтинг усулини ўрганиш семинарлар асосида ташкил этилди. Ҳар бир янгиликни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этар эканмиз, унинг афзалликларини ахтаришга ҳаракат қиламиз. Бу ҳаракатлар албатта, қийинчиликларсиз амалга ошмайди. Чунки, биз йиллар давомида "5" балли баҳо тизимига ўрганиб қолган эдик. Сиртдан қараганда, беш балли баҳо ҳам қулай, ҳам осондай. Аммо ўқувчи билим даражасини тўлиқ аниқлашга қодир эмаслиги йиллар давомида тўпланган тажрибадан маълум. Сабаби "5" балли баҳо тизими ўқитувчининг ўқувчи билимига қўядиган субъектив баҳосидир.

Рейтинг тизимини мактабда амалга оширишда ишни ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалари (БКМ) элементларини аниқлаш ва буни ўқувчилар ва ота-оналарга яқиндан таништиришдан бошладик. Ҳар бир синфда давлат таълим стандартлари асосида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган БКМ элементларини акс эттирувчи бурчаклар ташкил этилди. Бундан ташқари, ҳар бир предмет бўйича БКМ элементлари мавзулар асосида ўқитувчиларнинг кундалик дарс конспектларига ҳам ёзиб борилди. Дарс бошиданоқ ўқувчилар ўтилажак мавзу бўйича эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар элементлари билан таништирилади. Бу нарса уларни ўша элемент устида янада мустаҳкамроқ ишлашга ундайди. БКМ элементлари ўқувчиларнинг дафтарларига ёзилганлиги сабаб ота-оналар ҳам танишиб борадилар. Бу бурчаклар доимий ҳаракатда бўлиб, ҳар чорақда алмаштириб борилди. Бундан ташқари, синф хоналаридаги мониторинг ойналарида ўқувчиларнинг айнан ўша БКМ элементларини ўзлаштириш бўйича олган рейтинг баллари ҳам акс эттирилган. Бу жараён ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлигини янада кучайтирди, боланинг олаётган балларига ота-онанинг ҳеч қандай эътирози қолмайди. Чунки рейтинг тизимида ҳар бир балл асосланган ҳолда ДТС минимум талабларида нимани билиши керак эди ва нимага ҳозирча қодир эканлигига қараб қўйилади. Шунинг учун бу тизим ўқувчиларни ўз устида ишлашга, мустақил фикрлашга ундайди. Ҳар бир ўқувчи томонидан ўзлаштирилган мажбурий таълим минимуми элементлари объектив равишда ҳисобга олинади. Мажбурий стандартли текширув ишлари (МСТИ) рейтингнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. МСТИларининг марказлашган ва ягоналиги, яхлитлиги биз учун жуда қўл келди. МСТИлар оралиқ назорат сифатида амалга оширилмоқда. Ундан керакли балларни йиға олмаган ўқувчилар учун мактабда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар гуруҳини ташкил этдик. Ушбу гуруҳдан ўқувчилар учун жадвал асосида ўтилган дарсдан кейин ҳам қўшимча дарс соатлари ажратилган. Бунинг афзаллик томони шундаки, ушбу қўшимча дарсларда ҳам олинган баллар журналда акс эттирилмоқда.

Эътиборлиси, қўшимча ўтиладиган дарсларга ўқувчилар қатнови эркин бўлиб, аълочи ўқувчилар ҳам қатнашмоқда. Ота-оналарнинг эса бунга масъуллиги катта аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир ота-она ўз фарзандининг илм-фан сирларини чуқурроқ эгаллашини истайди. Мана шу жараёнда баҳо тизимининг камчилиги яққол кўзга ташланади. Мисол учун ёзма ишдан қониқарли баҳо олмаган ўқувчи хатолар устида ишлаши лозим, ишлайди ҳам, лекин меҳнати учун ҳеч қандай баҳо олмас эди. Шунинг учун ўқувчи қўшимча машғулотларга қатнашишни истамас эди. Қўшимча машғулотларда ўқитувчилар яна ўша мавзулар бўйича умумий тушунча бериб, барча мавзулар бўйича ўқувчи билимини синар эди. Ҳозирда қўшимча дарсларнинг ташкил этилишида эса мактабда янгича усул қўлладик. Бунда ўқувчилар БКМ элементларини ўзлаштиришларига қараб гуруҳларга бўлинадилар. Қайси гуруҳ билан қандай БКМ элементи устида ишлаш аниқ бўлганлиги учун ўқитувчи фақат ўша бўшлиқ устида ишлайди. Муҳими, бўшлиқларни қоплаш давомида бўшлиқнинг пайдо бўлиш сабабларини ҳам тўлиқ таҳлил қилиб бормоқдамиз. Мактабнинг мониторинг ўтказувчи гуруҳи (аъзо) томонидан ўқувчи билимида бўшлиқларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи омиллар ишлаб чиқилган бўлиб, қоплаш жараёнида ўша таъсир этувчи омилларни бартараф этиш ишлари амалга оширилади. Бу ўқувчиларнинг мунтазам равишда дарс қолдириши, дарсликларнинг етишмаслиги, ота-оналарнинг бефарқлиги, дарсларнинг кўргазмали ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтилмаслиги оқибатидир. Рейтинг усулида ишлаш тезда ўзининг уч жиҳатдан самарали томонларини кўрсатди. Энг аввало, ҳар чорақда паст ўзлаштирувчилар сони тобора камайиб бормоқда. Бундан ташқари ҳар бир синфнинг текширув натижалари мониторинг ойналарида акс эттирилиб, натижалар педагогик кенгашларда, методика бирлашмаларда таҳлил қилинаётганлиги боис ўқитувчилар, синфлар, ўқувчилар ўртасида рақобатни юзага келтирмоқда. Рақобат бор жойда эса изланиш, янгилик яратиш бўлади. Шунинг учун ўқитувчиларимиз дарсларини ноанъанавий тарзда ташкил эттиришга интилмоқдалар.

Рейтинг бизга нафақат бўш ўзлаштирувчилар билан янгича ишлаш имконини, балки иқтидорли ўқувчиларнинг қизиқиш ва имкониятларини, билим савиялари қай даражада эканлигини аниқлашга шароит яратди. Бундай ўқувчилар билан қўшимча топшириқлар орқали ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Энг асосийси қўшимча топшириқларга ўқувчи тўплаган баллар ҳам синф журналларида акс эттирилган.

Мактабимизда иқтидорли ўқувчилар клуби ташкил этилган бўлиб, улар билан мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўқувчилар ўқитувчининг энг яқин ҳамкори бўлиб, ўз синфдошларининг ҳам билимидаги бўшлиқларини қоплашларида яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Рейтингнинг ўқувчи учун яна бир афзаллик томони — бу босқичли назоратнинг ўтказилишидир. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар гуруҳида ўтилган қўшимча машғулотлар давомида ҳам етарли балл тўплай олмаган ўқувчи ёки БКМ элементини МСТИ вақтида тўлиқ бажара олмаган ўқувчига босқичли назоратда яна имкон берилади ва унинг билим самарадорлиги зачётлар орқали синовдан ўтказилади ва тўплаган бали журналда ўз аксини топади. Қарабсизки, чорак якунига келиб синфда "қолоқ", "иккичи" номини олган ўқувчилар қолмайди.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаб бориш давлат таълим стандартлари талабларини бажаришлари учун замин бўлиб боради, натижада эса таълим самарадорлиги ошишига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчилар билимини баҳолашда беш балли тизимнинг камчиликлари, шу жумладан, ўқитувчининг субъективлиги бартараф қилинади. Рейтинг эса юқори даражада объективлик ва адолатлиликни таъминловчи шарт-шароитлар яратади. Чунки ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган мажбурий таълим минимуми элементлари объектив равишда ҳисобга олинмоқда. Рейтинг — давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, ўқувчилар томонидан дастур материалларини максимал тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлайди.

Хуллас, рейтинг тизими ўқувчига келажакда касбини ва таълимини онгли тарзда танлашда ёрдам беради.

М.АЛИЕВА,
Жиззах шаҳридаги
7-умумий ўрта таълим
мактабининг илмий бўлим
мудири

Mehmonxona

Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов... Кўз қарашлари, айниқса, овози, қадам ташлашлари ўзига хос бўлган бу актёрнинг исмини эшитганда, ҳар кимнинг кўз олдида ҳар хил образлар гавдаланади. Кимдир дунё илмига бетакрор кашфиётлар берган аллома Беруний, яна бироз ўжарлиги, баъзан яхшилик, баъзан ёмонликка сабаб бўладиган Отақўзи раис, чапани, мард Маҳамат чатоқ каби турфа феъл-атворли кишиларни эслайди. "Келинлар қўзғолони"даги кенгфеъл ўғил қиёфасига ҳам, ҳарбий кийимлари ўзига яраша-диган қаттиққўл, интизомни севадиган майор, полковникларни маромига етказиб ижро этгувчи санъаткорнинг ҳаёт, мактаб, маориф ҳақида фақат ўзигагина хос фикрлари борлиги биз учун жуда муҳим.

Пўлат САИДҚОСИМОВ:

БИЗ ҲАМ ЎҚИТАМИЗ

— Бир суҳбатда кекса отахон: "Уруш болалари деган гап ўта нисбий гап. Уруш пайтида, эҳтимол, чақалоқларнигина бола деб айтиш мумкиндир. Бошқалари жуда тез улғайиб, катталар ёнига киради", деган эдилар...

— Ҳақ гап. "Жони ичига сиғмайди", деган ибора бор халқда. 7-8 ёш бола ана шундай жони ичига сиғмаган, шўхлик-қувноқликлари ўзига ярашган пайт бўлади. Ўша ёшимизда иккинчи жаҳон уруши бошланган. Мен Тошкентнинг эски шаҳарида туғилиб, ўсганман. Кунда-кунора хонадонлар устунлари — ота, акаларни ҳарбийга кузатиш, соғиниш изтироблари, "қора хатлар", ёш келинчаклар, оналарнинг соч ёйиб, бўзлаганлари — бу муҳитда ҳақиқатан ҳам бола бўлиб яшай олмайсан.

Кўпинча, ўша ўзим ўсган тупроқ кўчаларни эслайману, болалигимни унутиб қўйгандайман, йўқотиб қўйгандайман. Уруш ўғирлагандай болалигимни. Тақдир тақозоси билан дадамиз урушга бормаган бўлсалар ҳам, онамиз қора кийиб, аза очмаган бўлсалар ҳам уйимизда уруш нафаси сезилиб турарди. Фақат мактаб, муаллимлар, китоблар ана шу кулранг, совуқ кунларни бироз иситиб турарди, назаримда.

— Пўлат ака, сизнинг ёшингиздаги кишиларда мактаб муаллимларига илоҳий бир назар бор. Ҳозирги ёшларда шу назар жўнлашгандай. Бу ахборотнинг кўпайгани, билишнинг теранлашгани билан боғлиқми? Ахир, билган нарсангнинг сири тўкилаверадию...

— Мен ҳозирги Аброр Ҳидоятов номидаги мактабда ўқиганман. Оқил Шарафиддинов, Тоҳир Содиқов, Қудрат Аҳмедов каби ажойиб муаллимлардан дастлабки сабоқларни олганман.

Орадан шунча йиллар ўтиб, яхши-ёмонни таниб, энди билаяпманки, улар ҳеч қачон жўнлашмайдиган, билими олимларга тенг ўқитувчилар экан. Агар бизда илоҳий бир назар бўлса, бу назарни уларнинг билими яратган. Достонлардан ёд ўқишарди, ривоятларни худди ҳаёт ҳақиқатларидай жон-жонимизга сингадиган қилиб сабоқ ўтишарди. Бизга тарихни, адабиётни севдиришган шу инсонлар. Китоб ўқимайдиган бола кам эди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, дунё танийдиган беназир шифокор Наби Мажидов ҳам бизнинг мактабда ўқишган. Шундан билаверинг, ўқитувчиларимиз қандай инсонлар эканлигини.

— Дарсдан сўнг онангиз билан бозорга чиққан экансиз... Баъзилар "тирикчилик" деб болаларини савдога ўргатиб, мактабдан кўнгли совушига сабабчи бўлмоқдалар...

— Онам раҳматлининг исмлари Хайринисо эди, биз уч ака-ука эдик. Оғир пайтлар, уйдаги чинни буюмларгача сотганмиз. Онам: "Битта кўйлакда қолсам ҳам сизларни ўқитаман", — дердилар. Дарсдан қолишга мутлақо кўнмасдилар. Ҳар чақа олтиндан қиммат пайтда ҳам, театрга боришга пул бериб турардилар. У пайтлари боғларда кўпроқ томоша кўрсатиларди. Пахса деворларга қушлардай тизилишиб томоша кўрган пайтларимиз кўп бўлган. Ҳар ҳолда болалигимда сигарета ҳам сотганман, бироқ пул топишга эмас, санъатга қизиқдим. Ҳаммаси аввало қонга, қолаверса, ота-она тарбиясига боғлиқ, шекилли.

— Эл оғзида Пўлат Саидқосимов ўзининг феъл-атворига яқин образлар яратади. Ҳаётда ҳам чўрткесар, тўғрисўз деган гаплар юради...

— Эл айтса, билиб айтади, дейишади-ку. Йўқ, мен ҳам ҳар хил ролларни ўйнаганман. Ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат институтини тугатгач, Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номидаги мусиқали драма театрига ишга юборишган. "Муқимий" спектаклида найчи, яъни кичик бир образни яратдим. Мусиқали драмаларда қўшиқ айтишга ҳам тўғри келган. Хуллас, ўзимнинг феълимга яқин қаҳрамонлар яратгунча анча-мунча образларни саҳнага олиб чиқдим.

— Ҳозир жуда кўп ёшлар актёр, актриса бўлгиси, одамларга тез танилиб, шуҳрат қозонгиси келади. "Бир номим чиқса у ёғи кетаверади", деган нуқтаи назар ҳам йўқ эмас...

— Эллик йилдан буён саҳнада, кино, телевидениеда ижод қилаётган бўлсам, бирорта образни хамирдан қил суғургандай осон яратиб, осонгина томошабинга манзур қилганимиз йўқ. Бир-иккитасини айтай.

Абу Райҳон Беруний ролига синовдан ўтдим. Аммо талабгорлар кўп эди. Таниш, қўнғироқлар... Менинг истеъдодиму шу алломани яратишдан бўлак таянчим йўқ. Талашув-тортишувлардан зада бўлиб, ташлаб ҳам кетай, деганман. Режиссёримиз: "Қирқига чидадинг, қирқ бирига ҳам чида", — деб қўймаганлар.

"Беруний" ўзбек киноси тарихида яхши бир ёдгорлик бўлиб қолди, дахлдорлигимдан қувонаман.

Ёки ажойиб ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг "Диёнат" романи асосида яратилган видеофильм...

Шу раисни яратиш учун бу ёғи Поп, Наманган далалари — қанча жойларни кездим, дала одамининг, ўзига ишонган эрка раиснинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмасликка уриндим. Ахир мен яралган одамни қайта яратишим керак эди. Худо раҳматли Наби Раҳимов, ажойиб режиссёр Мақсуд Юнусовлар билан ҳар бир детал устида ишлардим. "Диёнат" элга ёқди. Қани эди, ҳозирги ёшлар ҳам бу видеофильмларни кўрса... "Диёнат"нинг ҳам, "Гирдоб"нинг ҳам мавзуси эскирмади. Саволингиздан узоқлашмадимми? Хуллас, агар озми-кўпми қадр топган бўлсам, томчи-томчи манглай терим ҳисобига топдим. Меҳнатсиз келган шуҳрат омонат бўлади. У хоҳлаган пайтда шамолда учиб кетиши, чақмоқ уриши мумкин. Аммо меҳнатдан топилгани ўзинг билан қолади. Ёшларга шунисини раво кўраман.

— Сиз ёзувчи Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" романи асосида тасвирга олинган шу номдаги видеофильмда "Академик" лақабли Зелихон образини жуда ишонарли ўйнагансиз. Аммо ўғри барибир ўғри, ўғирлик барибир ўғирлик. Бу машғулотни ҳеч қайси сабаб билан оқлаб бўлмайди. Аммо Зелихондан нафратланиш қийин. Назарингизда, унда ижобий бўёқлар қуюқлашиб кетмадимикин?

— Зелихон — биринчи навбатда инсон. Инсон эса худонинг энг олий яратмиши. Демак, унда гўзалликлар яшайди. Зелихон ватангадо қилинган, ота-бобосининг еридан, ўзига қонунан тегишли бўлган тупроғидан ҳайдалган кишининг ўзига хос исёни тарзида туғилган образ. Қасос эса ҳар доим ҳам кишига тўғри йўлни кўрсатавермайди. Кўпинча қасос ўтида ёнган кишининг кўзи кўр, қулоғи кар бўлади. Эшитса ҳам "Қасос!" деган сўзни эшитиб, шу сўзни кўради. Зелихонни қисмларга ажратиб ўрганиш, қисмларга ажратиб тасаввур қилиш керак эмас. Уни яхлит ўрганиш керак. Унинг ҳаракатларини қаранг: ботир, чапдаст, дўстга содиқ, тўғрисўз... Шундай фазилатлар бор-йўғи ўғрилик, ўғриларга бош бўлишига, одам ўлдириш ва бошқа жиноятларга хизмат қилади. Оқибат, у хунук ўлим топади. Одамнинг ўлими ҳам гўзал бўлиши керак-ку, ахир.

— Таъсирчан одамлар бир ҳолатга кирса, ўша ҳолатдан чиқиб кетиши оғир кечади. Санъаткорларга бундай қилиш мумкин бўлмаса-да, барибир Зелихон каби жуда катта куч билан яратилган образ ҳолатидан чиқиб кетиш осон кечмас...

— Менинг жуда кўп қаҳрамонларим бирор белгиси билан бошқаларга кўпам ўхшайвермайдиган образлар. Мен ўзим ҳаётда ҳам қандайлиги, кимлигини билиб бўлмайдиган кишиларни унча хуш кўравермайман. Аниқ одамларни яхши кўраман. Камгапми — камгап, сержаҳлми — сержаҳл... шунинг учун бир образдан иккинчисига ўтиш унга қийин эмас. Аммо вақти-вақти билан ўзимни энг севимли образларим қиёфасида тасаввур қилиб кўраман.

—Нимага, унутиб юбормаслик учунми?

— Йўқ. Пўлат Саидқосимов ўша образлардан яралган-да. Улар менинг шунчаки хотираларим эмас, умрим:

— Устозларингизнинг қайси гапларини юрагингизда асраб, дастуруламал сифатида шогирдларингизга қолдириб кетган бўлардингиз?

— Мен халққа ниҳоятда севимли бўлган катта салоҳият эгалари Етим Бобожонов, Қудрат Хўжаев каби инсонлардан таълим, тарбия олганман. Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаевлар пандлари, ўгитларидан баҳраманд бўлганман. Фатҳулло Маъсудов, Фарҳод Абдуллаев каби ёш, талантли актёрлар билан ҳам ишлаяпман. Фарҳод театрга оддий ишчи бўлиб хизматга кирган, мана, кинодаям ўйнади. Фатҳулло Усмон Носирни яратди. Мен, "ҳар қандай шароитда инсон бўлиб қол, яратган эгам сенга муҳаббат, гўзаллик туйғуларини берган, завқланиш, ҳайратланиш ҳиссиётларини ато этган. Инсонликка, шу туйғуларга хиёнат қилма!", — деган гапни издошларимга қолдиргим келади. Манманлик, кибр, нафс балосига берилиш, ялтоқлик, ҳасад — буларни худо инсон учун яратмаган. Айниқса, қўрқоқлик, муттаҳамликка тоқатим йўқ. Ўзига келаётган оғирликка бировни рўпара қилиб, бошини асраб қоладиган "бечора"ларни ёмон кўраман.

— Барибир яхши кўрадиганингиз ёмон кўрадиганингиздан кўпроқдир?

— Покизаликни севаман. Баъзи мамлакатлардаги битта сигарета қолдиғини то ахлат қутигача ўн-ўн беш қадамлаб қўлида ушлаб келган одамлар фаросатига қойил қоламан. Одам боласи ўз йўлаги, ўз ҳовлиси, кўчасига ахлат ота бошладими, кўнглидан севгининг кетгани — бу.

— "Санъат қаримайди", дейишади...

— Санъат-ку қаримас, санъатни севган кўнгил ҳам ўз туйғулари билан қайта-қайта яшарар. Аммо соч қораси, кўз нури барибир одамга абадий берилмайди. Шунинг учун дўст-ёрлар билан бамаслаҳат ички ишлар вазирлиги ҳомийлигида "Санъат — маъно" уюшмасини туздик. Шу кунларда "Олишув" номли саргузашт жанридаги фильмни суратга олаяпмиз. Энди ёшимизга мос роллар ўйнамасак бўлмайди.

Уюшма ёшларни яшашига ва баркамол шаклланиш мазмунига имкон беради.

— "Маърифат"чиларга сўзингиз бордир?

— Мен ўзим ҳам санъат институтида дарс берганман. Қолаверса, саҳна ҳам кўргазмали дарс. Биз ҳам томошабинни нимагадир "ўқитамиз". Мен маърифатчи, зиёли инсонларни саҳнанинг аълочи ўқувчилари деб биламан. Уларни яхши кўраман, ҳар доим ҳамма ишда аълочи бўлиб юришсин.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди

Bugun bu qishloqda ana shu chashmaga qiyos qilinadigan bir mo''tabar inson yashaydi.

"ҲАЁТ БУЛОҒИ" ВА ҲАЁТ САБОҒИ



Ўхум деган гўшани кўпчилик билади, унинг таърифи тилга тушган. Бу қишлоқ Фориш туманининг тоғли ҳудудида жойлашган. Ўхум яна бир жиҳати — "Ҳаёт булоғи" деб номланган чашмаси билан ҳам машҳур. Энг қурғоқчил келган йилларда қишлоқнинг барча булоқлари қуриса-да, бу чашма аҳолига ҳаёт бериб турган. Шу боис ҳам унинг номини "Ҳаёт булоғи" дея аташган.

Бугун бу қишлоқда ана шу чашмага қиёс қилинадиган бир мўътабар инсон яшайди. У қишлоқнинг кўплаб болаларига билим — ҳаёт сабоғини бериб, учирма қилган инсон — Маҳкамбой ота Назаровдир. Кўплаб шогирд-лари бор.

Маҳкамбой ака Ўхумдаги 49-мактабда 45 йил география фанидан ўқувчиларга сабоқ берди. Олти йил шу мактаб жамоасига раҳбарлик қилди. Айни пайтда шу мактабда ишлаётган ўқитувчиларнинг аксари ушбу инсон сабоғидан баҳраманд бўлган. Бугун ҳам устознинг маслаҳатлари шогирдларга асқотмоқда. Саксон олти ёшли устоз Маҳкамбой ака ўн нафар фарзанди, набиралари, кўплаб шогирдларини дуо қилиб қарилик гаштини сурмоқда.

Ширинбой НУРОВ
Фориш тумани
49-мактаб директори
ўринбосари

Oramizdagi odamlar

ОППОҚ ОРЗУЛАР ОҒУШИДАГИ ҲАЁТ

Тақдир Шоирахон Тўйеванинг болалик онларини унчалик ҳам бахтдан тўкис қилиб яратмади. У ёшгина қизалоқлигидаёқ онасидан жудо бўлди.

Шоирахон ўша болалик онларида китоб мутолаа қилишга жуда-жуда берилиб кетганлигини, шу йўл билан овунганлигини эслайди:

—Ўртоқларим ва муаллимларимдан китоблар сўраб олиб ўқирдим. Кўп китоб ўқиганман. Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" асарини илк бор ўқиганимда жудаям таъсирланганман. Ўшандаёқ Отабекнинг тилидан Кумушбибига шеър ҳам битганман:

...Ҳажр онларга толдирма мени,
Хиёнатга солдирма мени.
Зайнабларга қолдирма мени,
Йўқлаб келдим сени Кумушим...

Биз Муборак туманига излаб келган ҳикоямиз қаҳрамони Шоирахон Тўйева нафақат сидан ўтказилган анжуманларда қизиқарли саҳна кўринишлари тайёрлайди...

Доноларимиз таъкидлаганларидек, "Кимда иқтидор йўқдир, илм билан ҳунар зое". Тан олиш керакки, иқтидорни қўлда яратиш амри маҳол. Иқтидор — Аллоҳнинг инъоми. Дарҳақиқат, Шоирахонда зиё-маърифат бобида алоҳида иқтидор бор. У ҳаётини китобсиз тасаввур қила олмайди, кутубхоначиликни эса эъзозлайди. У мудиралик қилаётган кутубхона 2001 йилда "Йилнинг энг яхши кутубхонаси" кўрик-танловида Муборак туманида фахрли 1-ўринни, Қашқадарё вилояти миқёсида эса нуфузли 3-ўринни эгаллади. Ўтган 2002 йилда эса Шоирахон Тўйева мудиралигидаги кутубхона худди ана шу танловда вилоятда фахрли 1-ўринни эгаллади. Ўзингиз бир мушоҳада қилиб кўринг-чи? Қашқадарё вилоятида бир ярим мингдан ортиқ кутубхона бор. Улар орасида ягона ғолиб-

Акмал Икромов номидаги 4-ўрта мактабнинг фидойи кутубхона мудираси, исми жисмига монанд шоира ҳам чиқиб қолдилар.

— Шеърларим маҳаллий газеталар саҳифаларида босилиб туради, –дейди Шоирахон, —менинг шеър битмасликка ҳаққим йўқ. Онажоним раҳматли қизим эл таниган шоира бўлсин, деб менга Шоирахон исмини танлаган эканлар. Ёзганларимнинг сараларини жамлаб китоб чиқариш орзусида юрибман...

Болаликдаги изтиробларни ортда қолдириб, айни пайтда бахти бекам кунларга етиб келган Шоирахоннинг орзулари кетма-кет ушаляпти. 1984 йилда Қарши шаҳридаги Й.Охунбобоев номидаги билим юртини тугатиб бошланғич синфларда дарс берди. Мана, ўн йилдирки, қадрдон мактабида кутубхона мудираси вазифасида ишлаяпти.

— Шоирахон Тўйева тенги йўқ, фидойи инсон, — дейди мактаб директори Ҳалимахон Жумаева, — у ўз касбини севади. Энг яхши фазилатларидан бири кўп китоб ўқийди. Жуда кўп шоирларнинг шеърларини ёд билади. Шоирахон кўрик-танлов, кечалар ўтказишнинг моҳир устаси. Китоблар юзаликни қўлга киритишнинг ўзи бўладими! Бизнингча, Шоирахоннинг кутубхоначилик бобида олиб бораётган ишларига таърифу тавсиф беришнинг ҳожати йўқ. Бир сўз билан айтганда вилоятнинг энг яхши кутубхонаси шу.

— Орзуларим жуда кўп, — деди Шоирахон Тўйева, — уларнинг энг улуғи юртимизга комил фарзандлар етиштириб бериш ишига муносиб ҳисса қўшишдир. Шу ўринда бир гапни ҳам айтиб ўтайки, мен ҳозирги ҳаётимдан мамнунман.

Бир ҳаётий аксиома бор. "Инсон орзулари билан тирик". Худо кўрсатмасин, орзулар тугадими, умр ҳам тугайди. Доно халқимизда эса, "Дуо билан эл кўкаради" деган ажойиб бир нақл ҳам бор. Эй яхшилар, келинг битикларимиз сўнггида яна бир бор дуо қилайлик: "Ниятлари улуғ барча инсонларнинг, шулар қаторида ҳикоямиз қаҳрамони Шоирахон Тўйеванинг ҳам қалбидаги оппоқ орзулари ушалаверсин!"

Абдували ОБИДДИН,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Ustoznoma

МУРАББИЙ — ХАЗИНАБОН

1960 йилда иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Қудрат Суюнов номидаги ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирган Холиқул Назаров эл фарзанди бўлишни ният қилган эди. Бунга ўзўзидан эришиш мумкин эмаслигини ҳам биларди у. Шу боис бу даргоҳни 1965 йилда муваффақият билан тугаллади ва ўзи туғилиб ўсган Пахтачи туманига қайтиб, ўқитувчи лавозимида, кўп ўтмай, мактаб директори вазифасида 1968 йил сентябрь ойигача меҳнат қилди. Сўнгра Холиқул Назаровнинг илм-фан ва маориф соҳасидаги фаолияти Самарқанд педагогика институти билан боғланди. Ёш, илмга чанқоқ шогирдни устозлари "Олий математика" кафедрасига ўқитувчилик лавозимига таклиф этишди. У олийгоҳ талабаларига математика фани сир-асрорларини ўргатиш билан бирга мутахассисликка доир илмий фикрларини чархлаб, билимини мустаҳкамлаб борди. Изланишлари самара бера бошлаган эди. Тез орада, яъни 1969 йилда Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг математика сектори аспирантурасига ўқишга қабул қилишди. Бу даргоҳда ўз соҳасининг номдор олимларидан илмий-назарий, ўқув-услубий сабоқлар олиб, тинмай меҳнат қилди ва математика ўқитиш методикаси соҳаси бўйича йирик услубчи олим сифатида шаклланди.

Ёш тадқиқотчи 1974 йилда "Ўзбекистон мактабларида математика ўқитиш тараққиёти" мавзусидаги номзодлик диссертациясини катта муваффақият билан ёқлагач, 1977 йилдан 1992 йилга қадар Самарқанд давлат педагогика институтининг "Математика ўқитиш методикаси" кафедраси доценти сифатида фаолият кўрсатди. Шу йиллар давомида кафедра етук мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланди, бир қатор олий ўқув юртлари билан илмий, ўқув-услубий ҳамкорликлар кенгайди ва муносиб шогирдлар тайёрлашга эришилди.

Устознинг юзга яқин илмий-услубий мақолалари, "Математика тарихи" ўқув қўлланмаси бугунги кунда университетларнинг математика факультетлари талабалари учун асосий ўқув дастурларидан бири сифатида ўқитилмоқда.

Доцент Холиқул Назаров нафақат назариётчи, услубчи олим, балки ташкилотчи ҳамдир. У йигирма беш йилдан ортиқроқ муддатда вилоят мактаб ўқувчиларининг математика олимпиадаси ҳайъати раиси сифатида фаолият кўрсатди. Бу орада стажёрлар билан ишлаш комиссиясининг раиси каби ишларни ҳам бажариб келди. 1992-1996 йилларда СамДУ механика математика факультети "Умумий математика" кафедраси доценти ва факультет касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлади. Сўнгра СамДУ ўқув бўлими бошлиғи, ўқув ишлари бўйича проректори вазифасини бажарган бўлса, айни дамда дорилфунун қошидаги минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Уни таниганлар халқ таълими аълочиси Холиқул Назаровдаги бағри кенглик, софдилликни акаси — машҳур пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаровдан ўтган, дейишади. "Олим бўлсанг, олам сеники" дея уқтирарди у укасига ҳамиша. У бу кун олтмиш баҳорни қаршилаган бўлса-да, ўзини қариликнинг энг ёш давридаман, илмий-педагогик ишни теран тушунадиган ёшдаман, деб ўйлайди. Айни дамларда домла илмий тажрибалари бой, етилиб пишган, зўр ғайрат билан докторлик диссертациясини якунлаш арафасида.

Исроил МИРЗАЕВ,
СамДУ профессори

«ИЗЗАТ ИЛМДАНДИР...»

Бу дунё ўткинчи хилқат. Бу ҳаётнинг ўткинчи эканлигини англамай ўтувчилар ҳам учрагани ҳолда, ўзининг ибратли умр йўли билан ёш авлодга ўрнак бўлаётганлар ҳам бисёрдир. Қолаверса, бу дунёда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Бу ҳеч ким буза олмайдиган ҳаёт қонунларидан бири. Шундай ҳодисалардан бири ўқитувчи-ўқувчи муносабатидир. Ўқитувчи беғубор болалик билан ҳаётни тушуна бошлаган ўсмирлик орасида кўприк вазифасини бажаради. Бу кўприкдан эса қанчадан-қанча оғиру енгил юклилар ўтади. Бу оғиру енгил юклиларни ўз манзилига етказиш ўқитувчининг асосий бурчидир. Бунинг учун ўқитувчидан катта жасорат, фидойилик талаб қилинади.

Бу йўлда толмай меҳнат қилганлардан бири — нафақадаги устоз-мураббий, халқ таълими аълочиси, шу кунларда таваллудининг етмишинчи йилини нишонлаётган Худойберди Бегимовдир. 1951 йилда меҳнат фаолиятини, 1962 йилдан педагогик фаолиятини бошлаган Х.Бегимов нафақага чиққунга қадар фидойилик билан меҳнат қилди. У узоқ йиллар давомида Сирдарё вилояти туманларидаги мактабларда кимё ва биология фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. Бу даврда кўплаб ўқувчиларнинг кимё фани бўйича ўтказиладиган олимпиаданинг республика босқичларида муваффақиятли қатнашишини таъминлади. Нафақага чиқишидан олдин эса Сирдарё вилоят ўқувчилар экология табиатшунослик мактанида олий тоифали услубчи сифатида фаолият юритди. Айтиш керакки, бу масканда ҳам Х.Бегимов муваффақият билан ишлади. Яъни мустақилликнинг илк йилларида республика иқтидорли ўқувчилари ўртасида ўтказилган слёт ва кўрикларда мураббийнинг ўн уч нафар ўқувчиси иштирок этишди. Айниқса, уларнинг тўрт нафари биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаганини барча шогирдлари Х.Бегимовнинг фидокорона меҳнати самараси деб билади.

Юртимизда зиёлилар азалдан халқ эътирофида бўлиб келган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, зиёли маърифат нурини тарқатувчидир. Халқнинг эртаси эса бу нурсиз ёрқин бўлолмайди. Юртимизда Х.Бегимовдай ҳаётини маърифатга бағишлаган инсонлар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз келажаги ёруғ буюк бўлаверади.

Шерали НИШОНОВ

Shoir bu yo'llarni Iqlim deb nomlaydi. Ularning soni yettitadir. Bular: Talab, Ishq, Ma'rifat, Istig'no, Tavhid, Hayrat, Faqru-fano.

Moziydan sado

«ЕТТИ ИҚЛИМ» ТАЪРИФ ЭТИЛГАН АСАР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейида ўзбек адабиёти тарихини ёритувчи ўнлаб ноёб экспонатлар орасида адабиётшунослик фанига кам маълум бўлган, XVIII асрда яшаб ижод этган шоир Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоийнинг "Қуш тили" достонининг қўлёзмасидан кўчирилган нусха зиёратчиларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиши табиий. Бу экспонатнинг асл, яккаю ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи хазинасида сақланади. Маълумки, мумтоз адабиётимизни ҳар томонлама ўрганишга эътибор кучаяётган ҳозирги кунда бадиий адабиётда анъана ва ижодийлик нуқтаи назаридан манбаларни ўрганиш муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади.

Аксарият олимларнинг таъкидлашича, бу мавзудаги аллегорик-фалсафий асарларнинг келиб чиқиш ва тараққиёт босқичлари ўз тарихига эга. Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" ва Алишер Навоийнинг "Лисонут-тайр" достонининг вужудга келишида Абу Али ибн Синонинг "Рисолатут-тайр", Шаҳобиддин Сухварийнинг "Рисолайи мусаммо ба сафари Симурғ", Абу Ҳамид Муҳаммад Ғаззолийнинг "Рисолатут-тайр" асарлари ва халқ оғзаки ижодининг таъсири катта бўлган.

Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" асаридан илҳомланиб, биринчи бўлиб туркий тилда достон яратган шоир Гулшаҳрийдир.

Ва ниҳоят бу мавзуда туркий тилда қалам тебратган ижодкорлардан яна бири бу Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий бўлиб, у яратган "Қуш тили" достонининг ҳозиргача ягона деб ҳисобланиб келувчи нусхаси ана шу музей экспонатидир.

Қўлёзма 15x24 ҳажмда. Гўзал нақшинкор муқовага эга. У тўртбурчак гуллар билан зийнатланган. Муқованинг марказида ўйиб ишланган нақш ҳам мавжуд. Унинг юқори ва қуйи қисмларида муқовачи томонидан тамға сифат босилган муҳрлар бор. Унинг ичида муқовани ишлаган саҳҳофнинг номи араб ёзувида битилган. Унда шундай сўзларни ўқиймиз: "Амали Муҳаммад Юсуф саҳҳоф". Бу тамғалар китоб боши ва охиридаги муқова юзларига босилган. Нақшлар давр ўтиши билан ўча бошлаган. Муқованинг четлари шикастланиб, йиртила бошлаган. Қўлёзманинг инвентар рақами муқова тепаси ва китоб ёнига қоғоз билан ёпиштирилган. Унда қўлёзманинг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи мулки эканлиги ҳақидаги 127 рақами ёзилган қайд бор. Қўлёзма муқовасининг ички томонидан қаламда араб хати билан "Мантиқут-тайри туркий" деб асар номи ёзилган. Достон матни жуда саводли кўчирилган. Айрим хатолар ҳошияга тўғрилаб ёзилган. Матн пойгирлари изчил қўйилган. Ҳар бир саҳифага 15 қатор (30 мисра) шеър икки устун қилиб жойлаштирилган. Қўлёзманинг умумий варақлар сони 150 варақни (300 саҳифа) ташкил этган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, қўлёзманинг сифатли кўчирилиши котибнинг жуда саводли, нафақат тилнинг яхши билимдони, балки, ижод ихлосманди ҳам эканлигидан далолат беради. Достон матни 148 саҳифада колофон билан якунланган. Қолган икки бўш варағида кейинги даврларга оид турли ёзувлар мавжуд.

Қўлёзма котиб Ориф бин Султонали ал-Хивақий томонидан Хонқоҳ қишлоғида Қози Муҳаммад Мусо ибн ал-Мустафид нусхасидан 1232-ҳижрий йили кўчирилган.

Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган "Мантиқут-тайр" туридаги достонларнинг сюжетини ўзининг "Қуш тили" асарига асос қилиб олиб, ғоявий-бадиий жиҳатдан қайта ишлаган ва бутунлай ўзига хос ва мустақил асар яратишга муваффақ бўлган. Шоирнинг таъкидлашича, бу достоннинг яратилишида, айниқса, Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" асари муҳим манба вазифасини ўтаган.

Ризоийнинг "Қуш тили" достони диний-тасаввуфий руҳда ёзилган асар бўлиб, унда қушларнинг Ҳудҳуд бошчилигидаги Симурғ томон қилган сафари рамзий, ўзига хос услубда баён этилгани билан алоҳида илмий ва бадиий аҳамият касб этади. Достон композицияси ва образлар дунёси, унда келтирилган ҳикоя ва тамсилларнинг ижодийлиги Ризоий асарининг ўзига хос ғоявий-бадиий хусусиятларини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Шоир бу мавзуга қўл уришдан аввал "Мантиқут-тайр" туридаги достонларнинг генетик куртаклари ва диний манбаларни чуқур ўрганиб чиқиб, бу сюжетни ўзининг эстетик қарашларига мослаган ҳолда мазмунан бой ва шаклан пухта асар яратишга муваффақ бўлган. Муҳими, достоннинг асосий мазмун ва моҳияти мавзуларни баён қилиш асосида ҳикоялар орқали чамбарчас боғланиб боради. Бу эса достоннинг бир бутун композицион шаклга эга бўлган асар сифатида шаклланишини таъминлаган.

Ризоий ўз олдига қўйган мақсадни, яъни Симурғ (Оллоҳ Таъоло) васлига эришишни, шу мавзуни ишлаган бошқа ижодкорлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос композицион қурилиш асосида ҳал қилади.

У асарни икки қисмга бўлади. Унинг биринчи қисмида қушларни Симурғ сафарига лозим бўлган бандалик талаблари озуқалари билан яқиндан таништиради. Уларга амал қилиш ҳар бир соликка вожиб эканлигини баён қилади. Бу талаблар ўнта бўлиб, Ризоий уларни Тўша деб атайди. Бўлар: Тавба, Зуҳд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Таважжуҳ, Сабр, Мурақиблик ва Ризо. Иккинчи қисм соликнинг Симурғ васлига эришиш йўлида бандалик иллатларидан озод бўлиб, илоҳий сифатлар сари интилишларидан иборатдир. Шоир бу йўлларни Иқлим деб номлайди. Уларнинг сони еттитадир. Булар: Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру-фано.

Ризоий достонининг сюжети ва композицион қурилишидаги яна бир ўзига хос хусусият шундан иборатки, унда кўпроқ диний-фалсафий йўналишдаги ғоялар ўз аксини топган. Шу боис асарда Қуръони карим ва ҳадислардан жуда кўп иқтибослар келтириш орқали бу мавзу янада чуқурроқ ва кенг кўламда кўтарилган.

Хулоса қилиб айтганда, Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоийнинг "Қуш тили" асари қўлёзма нусхасининг топилиши ва унинг зиёратчилар эътиборига ҳавола этилиши маънавий ҳаётимиздаги ўзига хос муҳим воқеадир.

Ризоийнинг бу асари туркий тилдаги Гулшаҳрий ва Алишер Навоий бошлаб берган анъаналарнинг кейинги даврларда ҳам самарали давом эттирилганлигидан далолат беради. Бу асар ўзбек адабиёти тарихида қушлар тили орқали муҳим ижтимоий-фалсафий ва ирфоний қарашларни ўзида акс эттириб, унда салафларнинг тажрибаси ижодий ривожлантирилганлиги ва бадиий ижоднинг янги намуналари баён этилганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Шафоат ҲАСАНОВА

Xotira

ШОИР ҚОЛДИРГАН БОҒ

Самарқанд қадимдан илм-маърифат бешиги, улуғ алломалар макони бўлиб келганлиги ҳаммага аён. Ориф Гулханий хонадонида ҳам мунтазам равишда адабий-мусиқий кечалар бўлиб ўтарди.

Унда Шароф Рашидов, Ўткир Рашид, Саид Назар, Ҳаким Зоҳидий, Исмоил Акрам, Асқад Мухтор, Назармат, Раъно Узоқова, Ҳабиб Юсуфий, Воҳид Абдулло, Раҳим Муқумов, Душан Файзий сингари ижодкорлар қатнашардилар.

Ёш Олимжон турли мавзулардаги суҳбатлар, шеърхонликлардан баҳраманд бўлиб, ёш ижодкорларнинг кўпи билан дўст тутинди.

У юрагида, вужудида жамланган барча эзгу ниятларини шеърлари орқали ифода этишга одатланиб борди.

Падари бузруквори китоб жавонида мавжуд бўлган Рудакий, Хоразмий, Фаробий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Ҳилолий, Навоий ва Бобур каби жаҳон маданиятининг улуғ арбоблари асарларини, шунингдек, Аҳмад Яссавий, Саккокий, Лутфий, Нодира, Маҳзуна, Увайсий, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Аваз, Завқий ижодиётларини ёшлигидан мутолаа қилиб, шеърият бўстонига қадам босган.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ва унинг устози Абдураҳмон Жомий замонидан бошланган зуллисонайнлик йўналиши ҳаммага маълум. Самарқанд адабиёт тарихида ўз ўрни ва ўз мавқеига эга бўлган ота-бола Ориф Гулханий ва Олимжон Орифий ҳам зуллисонайн ижодкорлар тоифасига кирадилар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам мумтоз адабиёт анъаналарига таянган ва бу анъаналардан ижобий фойдаланган ҳолда ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам ихлос билан қалам тебратганлар. Она Ватанга, меҳнаткаш инсон, илм-маърифат, ижтимоий меҳнат, халқлар дўстлиги, аҳлоқ-одоб ҳақида хилма-хил шеърлар, дилбар ғазаллар ёзганлар.

Ориф Гулханийнинг катта, обод боғи сара навли мевали дарахтлари ва анвойи гуллари ила "Боғи Гулханий" номи билан машҳур бўлган. Отаси вафотидан кейин шоирнинг мухлисларидан бири гумонсираб: "Афсус шундай боғ Гулханийдан кейин энди қаровсиз қолиши мумкин. Ўғли Олимжон Орифий ота ишини давом эттира оладими?" деган гапни тарқатади. Бу сўздан таъсирланган ор-номусли ёш Орифий боғда кечалари бўлса ҳам меҳнат қилиб, уни яшнатиб янада чирой очишига эришади. Ориф Гулханий боғининг ҳозирги ҳолати бунинг исботи бўла олади.

Уларнинг уйларида машҳур ҳофизлар Хожи Абдулазиз Абдурасулов, домла Ҳалим Ибодов, Левича, М.Толмасов, Қори Сирож, Г.Муллоқандовларнинг мусиқий давра суҳбатларидан баҳраманд бўлганлиги сабаблими, у ниҳоятда даражада санъатсевар инсон бўлган. Талабалик даврида кечалари дарс тайёрлаб чарчаган пайтларида қўлига най олиб моҳирона жозибали куйларни чала олган. Бу қадимий най асбоби Ориф Гулханий уй музейида сақланмоқда.

Тиббиётдан хабардор бўлган шоир узумнинг фойдаси, ундан тайёрланадиган сирка, гураобнинг Ибн Сино даврларидан бобобатда фойдаланиб келинаётганлиги ҳақида мақолалар ёзади. Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлмиш Афросиёб шаҳарчаси деворлари таъмирланиб, сақланиб қолганлигида у кишининг ҳам ҳиссаси бор. Зукко муаллим, ҳормас-толмас тарғиботчи Олимжон Орифийнинг маърифат ва маданиятимиз равнақига, таълим-тарбияга бахшида қилган хизматлари муносиб тақдирланган. Қатор медал ва фахрий ёрлиқлар, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонига соҳиб бўлгани бунинг исботидир.

У яшаган уй, Самарқанд туманидаги Дукчиги қишлоғидаги 95-ўрта мактабда мемориал ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган ва шу қишлоқдаги кўчага унинг номи берилган.

Ёшларнинг умуммаданий савияси, ахлоқий заковат ва ахлоқий камолотини шакллантириш, Ватанга нисбатан миллий ғурур, ифтихор туйғуларини сингдириш йўлида хизмат қилган Олимжон Орифийнинг эзгу ишларини фарзанди Муқимжон Орипов давом эттирмоқда. Бобоси Ориф Гулханий уй-музейида ота-бола маърифатпарвар шоирларнинг чироқларини ёқиб, улар бошлаган маънавий-маърифий ишларни ҳаётга тадбиқ этмоқда.

Уй-музейдаги келиб-кетувчилар учун тутилган дафтарни варақласангиз, хорижий, ҳамдўстлик давлатларидан ва бепоён ватанимиз гўшаларидан келган сайёҳларнинг илиқ, чин дилдан ёзган изҳорларини кўрасиз.

Олимжон Орифийнинг ёрқин ҳаёти, эзгулик йўлида фидойилик ила қилган хизматлари ва у қолдирган маънавий -маърифий мероси билан ворислари, дўсту шогирдлари фахрланса арзийди.

Ҳ.НИШОНОВ

Yo'naltirilgan maktablardagi barcha o'quvchilardan bir xil bilim talab qilish o'rinli emas, lekin asosiy dastur va DTS bo'yicha qo'yilgan talab bajarilishi shart.

DTSlarning hayotga joriy etilishi jarayonida o'quvchilar geografiyaning barcha kurslaridan bilim olib, tabiiy geografiya hamda iqtisodiy-ijtimoiy geografiyaga doir bo'limlaridan to'liq ma'lumotga ega bo'ldilar.

БОШ ПЕДАГОГИК КЕНГАШЛАРИМИЗ ЮКСАК САМАРАДОРЛИК АСОСИДА ЎТСИН

Анъанавий август кенгашлари ишини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вазирлик тавсиялари

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ

Замонавий компьютерлар ёрдамида жаҳон тармоқларидан олинаётган ахборотлардан самарали фойдаланиш, яъни ахборотнинг энг мақбулини танлаб олиш лозим. Жумладан, фан услубчилари ўқув жараёнига тавсия этилган дарсликлардаги мавзуларга имкон қадар миллий истиқлол ғояси, мутафаккир аллома ҳамда олимларнинг фан ривожига қўшган ва қўшиб келаётган янгиликларига доир материалларини тавсия этишлари зарур. Шу билан бирга шўъба йиғилишида ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Турли хилдаги мактабларда, ИҲТА фанини ўқитишда мавзу режасини тузишга алоҳида тўхталиш керак. Чунки айрим мактабларда аниқ фанлар чуқурроқ ўзлаштирилса, айримларида табиий фанлар, баъзи мактабларда ижтимоий фанларга кўпроқ эътибор қаратилган. Йўналтирилган мактаблардаги барча ўқувчилардан бир хил билим талаб қилиш ўринли эмас, лекин асосий дастур ва ДТС бўйича қўйилган талаб бажарилиши шарт.

Жорий ўқув йилида 8-синфда:

— ХТВ «Ахборотномаси»да ("Таълим тараққиёти", 1999 йил, 4-махсус сон) чоп этилган дастур;

— ДТС талаблари асосида ёзилган дастурга мувофиқ тайёрланган Осиё тараққиёт банки томонидан берилган Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарслиги (муаллифлар Б.Болтаев, М.Маҳкамов, А.Далиев, Т.Азларов ва А.Абдуқодиров, Тошкент, "Ўқитувчи" 2001-2003 й.);

— Учебник для 8-класса общеобразовательных школ «Основ информатики и вычислительной техники», Тошкент, "Ўқитувчи", 2002 (автор Б.Болтаев, М.Маҳкамов, А.Далиев, Т.Азларов, А.Абдукадиров);

— Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ва «Основы информатики и вычислительной техники» электрон дарслиги. РТМ, 2003 йил.

9-синфда:

— ХТВ «Ахборотномаси»да (4-махсус сон) чоп этилган дастур;

— ДТС талаблари асосида ёзилган дастурга мувофиқ тайёрланган Осиё тараққиёт банки томонидан берилган Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарслиги (муаллиф А.Тойлоқов, Тошкент, 2002);

— Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (муаллифлар Б.Болтаев, М.Маҳкамов, А.Далиев, Т.Азларов ва А.Абдуқодиров, Тошкент, "Ўқитувчи", 2003) дан фойдаланилади.

10-синфда янги дастур ва унга мос янги дарслик (А.Абдуқодиров) бўйича дарслар ташкил этилади. Дастур электрон почта орқали барча вилоятларга юборилади. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги янги дарслик августга қадар чоп этилади.

11-синфда 1996 йил тавсия этилган амалдаги дастур ҳамда унга асосланиб тайёрланган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» (муаллифлар А.Далиев, Б.Болтаев, М.Маҳкамов) ўқув қўлланмасидан фойдаланиб, дарс ташкил қилиш тавсия этилади.

Мазкур дарс жараёнида ўқувчиларнинг замонавий ахборот воситаларидан фойдаланганда фан дастурининг чуқур эгаллашларига эътибор қаратилиши керак.

Қўшимча адабиётлар:

1. Т.Азларов, Б.Болтаев ва б. «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари», 11-синфлар учун дастур тўплами, 1996 йил.

2. Б.Болтаев, М.Маҳкамов «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари», 8-9-синф учун масала ва машқлар тўплами, Тошкент, 1995.

3. А.Абдуқодиров, А.Ҳайитов «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари», 8-9-синф учун масала ва машқлар тўплами, Тошкент, 1996.

4. С.Орипов, И.Камолов, «Агат» компьютеридан фойдаланувчилар учун қўлланма, «Истиқбол» уюшмаси, 1994 йил.

5. Т.Нурмуҳамедов, IBM MS-DOS: фойдаланувчилар учун қўлланма. Т., «Шуъла» ,1994 йил.

6. А.Далиев, Б.Болтаев «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари», 9-синф информатика ўқитувчилари учун қўлланма, 1994 й.

7. В. Қобулов, Ақл мўъжизаси, Тошкент, 1974.

8. В. Қобулов Человек--ЭВМ, Тошкент, 1988.

9. «Общая информатика» учебное пособие для средней школы. С.Симонович и др. Москва, 1998.

10. «Практическая информатика» учебное пособие. С.Симонович и др. Москва, 1998.

11. «Специальная информатика» учебное пособие. С.Симонович и др. Москва, 1998.

12. Н.Макарова. Информатика. Учебник для 8-класса. Санкт-Петербург. Москва, 2000.

13. С.Ғуломов ва б. Иқтисодий информатика. Тошкент, 1999.

14. С.Раҳмонқулова. IBM PC шахсий компьютерда ишлаш. Тошкент, 1998.

15. А.Мараҳимов, С.Раҳмонқулова. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Тошкент, 2001.

16. С.Қосимов, А.Обидов. Компьютер олами. Тошкент, 2001.

ЭҲМ йўқ мактабларда ИҲТА фанини ўқитишга, ўқув жараёнини режалаштиришга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бу борада оммалаштирилган тажрибаларни ўқитувчиларга етказиш катта аҳамиятга эга.

Дарс жадваллари, синф журналлари ва барча ҳужжатларда фаннинг номи ЭҲМ эмас, «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» ёки ИҲТА деб ёзилиши лозим.

Шўъбада қуйидаги масалалар кўрилиши мумкин:

— 9-10-синфларда янги дарсликлар билан ишлаш;

— 10-синф янги дарслигини таҳлил қилиш ва фикр билдириш;

— янги дарсликдаги мавзуларни ёритишдаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари;

— илғор педагогик технология асосида дарс самарадорлигини ошириш;

— дарсни ташкил этишда ахборот технологиясидан самарали фойдаланиш;

— ИҲТА фанини ўқитишда дастур, дарслик, масала ва машқ тўпламларидан, ўқув педагогик дастур, воситалари ҳамда плакатлар мажмуасидан фойдаланиш бўйича тажриба алмашиш;

— ИҲТА фанини турли хил йўналишли мактабларда ўқитишда амалдаги дастур ўрнида қолишини назоратга олиш;

— олимпиада якунлари бўйича таҳлил;

— Самарқанд шаҳрида ўтказилиб келинаётган (Ўқув педагогик дастур ва ўқув методик адабиётлар) кўрик-танловда вилоят вакиллари иштирокининг натижалари;

— «Ёш информатиклар» ёзги мактаб иштирокчиларининг ўқув фаолияти;

— мактаб предметларини ҳисоблаш техникаси кабинети негизида ўқитишга ўтиш;

— кўргазмали қуроллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда видеотехника воситаларидан фойдаланиш;

— синфдан ташқари машғулотларнинг самараси;

— компьютерсиз мактабларни компьютер билан таъминланган мактабларга бириктириб, ўқув жараёнини ташкил этиш.

БИОЛОГИЯ

5-9-синфларда ДТС ва янги ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликлардан фойдаланилмоқда. Бугунги кунда яратилган дарсликлар ўқитувчилар томонидан берилган фикр ва мулоҳазалар асосида қайта ишлр қилинаяпти. Унда ўқувчиларни мустақил ишлашга, интерфаол усуллардан фойдаланишга эътибор берилган. 2003-2004 ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган танловда ғолиб чиққан 5-, 6-синфлар учун «Ботаника», 8-синф учун «Одам ва унинг саломатлиги» дарсликларидан фойдаланилади. Бу дарсликлар билан бирга ўқув методик қўлланмалар ҳам яратилди.

Дарсликлар тушунарли, ихчам, рангли расмлар билан берилган. Назарий билимларни ўқувчилар яхши ўзлаштирмоқда, чунки дарсликлар ўқувчиларнинг ёшларига мос келади.

Бугунги кунда кўпчилик ўқитувчиларимиз интерфаол усулида яни педтехнологияларни қўллаган ҳолда, яъни ўқувчиларни бир неча гуруҳларга бўлиб савол-жавоб, семинар, конференция, аукцион, викторина, маъруза каби дарс бериш усулларидан кенг фойдаланмоқдалар.

БОТАНИКА

2003-2004 ўқув йилида 5-6-синфларда 2003 йилда чоп этилган У.Пратов, А.Тўхтаев ва бошқаларнинг «Ботаника» дарслигидан фойдаланилади. Шуни қайд қилиш лозимки, 6-синф ўқувчилари «Ботаника» дарслигини ҳафтасига 2 соатдан жами 68 соат, «Зоология»ни эса 7-синфда ўрганадилар. Ж.Толипова ва бошқаларнинг 2003 йилда тавсия этилган «Ботаника ўқитиш методикаси қўлланмаси»дан, С.Холиқов, У.Пратов, А.Файзиевларнинг 1995 йилда чоп этилган «Ўсимликларнинг аниқлагичи», У.Пратов ва бошқаларнинг 1999 йилда чоп этилган «Ўзбекистоннинг ботаник олимлари», бундан ташқари, У.Пратов, С.Орифхўжаевларнинг 2001 йилда Абу Али ибн Сино номидаги нашриётда чоп этилган «Ботаника» жадвалидан, У.Пратов ва бошқаларнинг чораклик тестлар қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади.

ЗООЛОГИЯ

2003-2004 ўқув йилида 6-синфда зоология ўқитилмайди.

7-синфларда О.Мавлонов, Ғ.Комиловларнинг зоология дарслигини келган жойидан давом эттириш тавсия этилади. М.Жабборовнинг «Зоология ўқитишда ўлкашунослик материалларини ўқитиш» қўлланмасидан, Х.Шокировнинг «Зоология дарсларида назарияни амалиёт билан боғлаш» қўлланмасидан, О.Мавлонов ва бошқаларнинг 2002 йилда чоп этилган «Ёрдамчи тест топшириқлари»дан, О.Мавлоновнинг 2001 йил чоп этилган «Зоология» жадвалидан фойдаланиш тавсия этилади. В.Саидова, С.Орифхўжаевларнинг "Зоологиядан чораклик тестлар" рисоласидан ҳам фойдаланилади.

Зоология фанини ўқитишда экологик тушунчалар, табиатни муҳофаза қилиш,, Ўзбекистон шароитида камайиб боратган қуш ва ҳайвонларни ўрганиш ҳамда уларни асрашга оид тушунчалар берилиши лозим.

ОДАМ ВА УНИНГ САЛОМАТЛИГИ

8-синфда Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган танловдан ўтган ва 2003 йилда чоп этилган Б.Аминов, Т.Тиловов ҳамда О.Мавлоновларнинг «Одам ва унинг саломатлиги» дарсликлари ва уни ўқитиш методикаси қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқув йили охирида ҳар иккала муқобил дарсликдан бирини танлаб олиш учун Сизлардан такризлар кутамиз. Такризларни Республика таълим марказига юборишларингиз сўралади.

«Одам ва унинг саломатлиги» дарсларида «Соғлом авлод дастури» асосида «Болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» (М.Толипов), О.Кўбаев, С.Орифхўжаевларнинг 2001 йилда чоп этилган дарсликка илова қўлланмасидан қўшимча материал сифатида фойдаланилади.

Дарсликка қўшимча равишда «Анатомия ва физиология бўйича практикум» (муаллифи Ў.Қодиров), «Физиологиядан изохли луғат» (муаллифи Ш.Қурбонов), «Одам физиологияси» (муаллифи Ў.Қодиров), «Биологиядан маълумотнома» (муаллифи О.Мавлонов), «Биологиядан тест топшириқлари», «Ёрдамчи тестлар» (муаллифи О.Мавлонов ва бошқалар) қўлланмаларидан фойдаланилади.

БИОЛОГИЯ (Цитология ва генетика асослари)

9-синфларда А.Зикиряев, А.Тўхтаев, И.Азимов, Н.Сонинларнинг ДТС ва янги дастур асосида ёзилган "Биология" (Цитология ва генетика асослари) дарслигидан (2002 й), шу билан бирга юқорида қайд этилган муаллифларнинг биология ўқитиш методикаси китобидан фойдаланиш тавсия этилади.

Қўшимча адабиёт сифатида Ё.Тўрақулов «Молекуляр биология» (1993), А.Ғофуров ва бошқаларнинг «Генетик билимларни пухта ўзлаштириш ва масалалар ечиш методикаси», О.Мавлоновнинг «Биологиядан тест топшириқлари» (2000), О.Мавлоновнинг «Биологиядан тест топшириқлари» қўлланмаларидан фойдаланиш лозим.

УМУМИЙ БИОЛОГИЯ

10-синфларда Ё.Тўрақулов ва бошқаларнинг қайта ишланган ва 2003 йилда лотин ёзувида чоп этилган «Умумий биология» (Цитология ва генетика асослари) дарслиги ҳамда қайта тузилган дастуридан фойдаланилади. Шуни қайд қилиш лозимки, «Умумий биология» дарслигидан 9-синфга туширилган боблар жуда соддалаштирилиб, ихчам ҳолда берилганлиги учун 10-синфда сақланиб қолган боблар мукаммал ва ўқувчилар ёшига мослаштириб, мураккаблаштирилган ҳолда берилган. 10-синф дарслигига қўшимча тарзда Ж.Толипова ва бошқаларнинг 2003 йилда чоп этилган методик қўлланмасидан фойдаланилади.

11-синфда амалдаги Ё.Тўрақулов ва бошқаларнинг «Умумий биология» дарслигидан фойдаланиш давом эттирилади. 10-11-синфларда дарсликларга қўшимча равишда Ё.Тўрақуловнинг «Генетик билимларни пухта ўзлаштириш ва масалалар ечиш методикаси», О.Мавлоновнинг «Биологиядан тест топшириқлари», 5-11-синфлар учун О.Мавлонов, У.Пратов, У.Тошмуҳамедовларнинг «Ёрдамчи тестлар» ва бошқа муаллифларнинг тест топшириқларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Шўъба йиғилишлари семинар-тренинг, давра сухбати, маъруза ва савол-жавоб тарзида ўтказилиб, уларда қуйидаги мавзуларни муҳокама этиш тавсия этилади:

1. 9-синфларда ДТС ва янги ўқув дастурининг ўзлаштирилиш самарадорлигини таҳлилий муҳокама этиш.

2. 2002-2003 ўқув йилида биология фанининг ўқитилиш якунлари ва 2003-2004 ўқув йилидаги вазифалар ҳақида.

3. Биология дарсларида илғор педагогик технология асосида ўқувчилар фаоллигини ошириш.

4. Биология фан кабинетларини талаб даражасида жиҳозлаш ва ундан унумли фойдаланиш.

5. Биология дарсларида экологик тарбия ва билимларни муҳофаза қилиш.

Шўъба йиғилишлари баённига киритиладиган таклифлар:

1. Жойларда иложи борича фан кабинетларини талаб даражасида жиҳозлаш ва дарсларни тўлиқ кабинетларда ўтказишга эришиш.

2. ДТС ва янги ўқув дастури асосида яратилган дарсликларни янада такомиллаштиришга оид таклифларни Республика таълим марказига юбориш.

КИМЁ

Ҳозирги илм-фан, техника ва саноат жадал ривожланаётган, ижтимоий, экологик ҳолат кескинлашиб бораётган пайтда мактабларда кимё фанини мазмун жиҳатидан янгича ўқитиш, бир томондан, заруият бўлса, иккинчи томондан, замон талабидир.

Педагогик технология, яъни таълимнинг янги шаклларини шундай таллаш керакки, кимё бўйича Давлат таълим стандартлари талаблари бажарилсин, кўзланган мақсадга эришилиб, самарадорлиги юқори бўлсин. Шунинг учун ўқитувчи кимё фанининг ўзига хос хусусияти, ўқувчилар ёши, билим даражаси ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда таълим усулини танлаши зарур.

2002-2003 ўқув йилида умумий ўрта таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида ўқувчилар тўлиқ билим, кўникма ва малакаларга эга бўлдилар. ДТСларнинг ҳаётга жорий этилиши жараёнида ўқувчилар кимёнинг асосий курслари, яъни анорганик ва органик моддалар ҳақида маълумотга эга бўлдилар.

2003-2004 ўқув йили учун 7-синф дарслиги «Анорганик кимё» (И.Асқаров, 2003 й) яратилди ва шу дарслик асосида ўқитилади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ҳам шу дарсликнинг русча нашридан фойдаланиш тавсия этилади. Яратилган бу дарслик ўқувчиларни ижодий фикрлашга йўналтирилганлиги билан амалдаги дарсликлардан фарқ қилади.

Шунингдек, мактабда «Кимёдан лаборатория ишлари» (М.Нишонов, С.Тешабоев), «Мўъжизалар оламига саёҳат», (Б.Акбаров) қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

VIII синфда амалдаги дастур асосида яратилган «Анорганик кимё» (М.Нишонов, С.Тешабоев, 2000 й) дарслигидан фойдаланилади. Рус мактабларида (8-синф) юқоридаги муаллифларнинг 1999 йилдаги таржимасидан фойдаланиш тавсия этилади, қўшимча адабиёт сифатида «Кимёдан масала ва машқлар» (М.Нишонов, С.Тешабоев, 2001 й) қўлланмаси, «Ёрдамчи тестлар» (Р.Зияев, Б.Акбаров, 2000 й), «Кимёдан тестли савол ва масалалар» (А.Абдусаматов, Р.Зияев, Б.Акбаров, 1999 й) каби қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Дастур ва дарсликда режалаштирилган ҳамда берилган амалий ва лаборатория ишлари ўз вақтида ўтказилиши лозим. Шуни айтиб ўтиш керакки, VII ва VIII синфлар учун «Анорганик кимё» дарсликларида ҳар бир катта мавзу учун 10-20 тадан назорат тестлари берилган.

IX синфда амалдаги дастур асосида яратилган «Кимё» (И.Асқаров ва бошқалар, 2002 й) дарслиги ва ўқитувчилар учун яратилган методик қўлланмадан фойдаланилади. Рус мактабларида шу дарсликнинг 2003 йилги русча нашридан фойдаланилади.

«Анорганик ва умумий кимёдан масалалар ечиш» (И.Асқаров ва б., 1995 й) «Кимёдан тест» (И.Асқаров ва б., 1997 й) қўлланмасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

IX синф дастурида кўзда тутилган лаборатория ва амалий машғулотлар ўз вақтида ҳамда инсон хавфсизлиги асосларига риоя қилинган ҳолда ўтказилиши шарт.

X синфда «Кимё» (Г.Рудзитис, Ф.Фельдман, "Ўқитувчи», 2003 й) дарслигидан фойдаланилади.

X синфда органик кимё курсини қайта мукаммал ўтиш тавсия этилади.

XI синфда «Кимё» (Г.Рудзитис, Ф.Фельдман, 1995 й) дарслигидан амалдаги дастур асосида фойдаланилади.

Бу йилги август кенгашларида кимё фанини ўқитишдаги муаммолар, дарслик, ўқув методик адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, фан хоналарини ўқув воситалари, лаборатория жиҳозлари ва кўргазмали материаллар билан таъминлаш, ноанъанавий услубда фаолият кўрсатаётган ўқитувчининг иш тажрибалари ҳақида фикр юритишга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шўъба йиғилишида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Кимё фани бўйича янги дарсликлар ва методик қўлланмалар билан таништириш.

2. Кимё дарслари жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш.

3. Кимё дарсларида ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш.

4. Кимё дарсларида амалий ва лаборатория ишларини мунтазам олиб бориш.

5. Кимё дарсларида масала, машқ ва тестларни ечиш методикаси.

6. Кимё фани хонасига қўйиладиган талаблар ва уни жиҳозлаш бўйича тавсиялар.

ГЕОГРАФИЯ

2002-2003 ўқув йилида умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида ўқувчилар тўлиқ билим, кўникма ва малакаларга эга бўлдилар. Дунё давлатлари, халқлари, турли ҳудудлардаги жамият ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги, географик объектлар, жараён ва ҳодисалар ҳақида билим берилди. ДТС талаб этган ўқув малака ва кўникмалар аксарият ўқувчиларда дастур меъёрлари даражасида таркиб топди.

2003-2004 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфларида қуйидаги дарсликлардан фойдаланиш тавсия этилади:

— **5-синф** «Табиий география бошланғич курси», П.Ғуломов, Р.Қурбонниёзов.

— **6-синф** «Материк ва океанлар табиий географияси», А.Абдулқосимов.

— **7-синф** «География», П.Ғуломов, П.Баратов, Х.Ваҳобов, М.Маматқулов.

— **8-синф** «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси», П.Мусаев, Ж.Мусаев ҳамда шу номда муқобил тарзда яратилган А.Солиев, Р.Қурбонниёзов дарсликларидан фойдаланилади.

— **9-синф** «Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси», А.Қаюмов, И.Сафаров, М.Тиллабоева.

Бу дарсликлар Халқ таълими вазирлигининг Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси доирасида эълон қилган танловлари асосида яратилган. Ушбу дарсликларнинг методик қўлланмалари мактаб кутубхона заҳираларига етказилди. Ўлардан таълим жараёнида фойдаланиш тавсия этилади.

Умумтаълим мактабларининг 10-синфларида «Амалий география» курси ўқитилади. Бунда ўқувчилар табиат ва жамият муносабатларидаги ўзгаришлар ва уларнинг оқибатларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда баҳолашни ўрганадилар. 68 соат давомида қуйидаги мавзулар ўрганилади:

1. Амалий географияга кириш.

2. Амалий географик тадқиқотлар.

3. Табиий географик жараёнлар.

4. Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири.

5. Табиат комплекслари ва уларнинг ўзгариши.

6. Географик баҳолаш.

7. Географик башорат.

8. Атроф-муҳит мониторинги.

9. Географик-экологик экспертиза асослари.

10. Экологик муаммолар ва уларнинг ечими.

11. Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий асослари.

12. Табиий ва инсон ресурслари, уларни иқтисодий-географик баҳолаш.

13. Геосиёсатнинг назарий асослари.

14. Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва келажаги.

15. Ҳозирги замон геосиёсий муаммолари.

Ушбу курснинг ўқитилишида «Амалий география» воми билан 2003 йилда (А.Рафиқов ва бошқалар) чоп этилган дарсликдан фойдаланилади.

Географик атлас ва харитаалар таълимнинг таркибий қисмидир. Ҳозирда 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 9-синфлар учун географик атласлар ва ёзувсиз ҳамда кўплаб мавзули деворий харитаалар чоп этилган.

Ана шу имкониятлар асосида таълим-тарбия беришнинг янги самарали интерфаол усулларидан фойдаланиш, шу йўналишда ишлаётган илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги мавзулар бўйича маъруза, давра суҳбати, баҳс ва мунозараларни ташкил этиш тавсия этилади.

1. ДТС ва ўқув дастурларининг амалиётга татбиқ этилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.

2. Янги яратилган ўқув географик атласларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида.

3. 9-синф «Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси» дарслиги бўйича таълим бериш жараёнида тўпланган фикр-мулоҳазалар.

4. 2002-2003 ўқув йилида география таълимининг якунлари ва янги ўқув йилидаги вазифалар.

5. География дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.

6. География ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш.

ТАРИХ

Анъанавий август кенгашларида тарих-ҳуқуқ йўналишидаги янгиликлар ДТС ва дастурнинг жорий қилинишидаги ўқитиш бўйича илғор педагогик технологияларни қўллаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини таҳлил қилиш ва ўрганиш тавсия этилади.

2003-2004 ўқув йилида «Жаҳон тарихи» ва «Ўзбекистон тарихи» ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш мақсадида 2003 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактабларга ўқув ўқув ва методик қўлланмалар яратиш бўйича ўтказилган танловда ғолиб чиққан 5-синф «Тарих» (муаллифлар Қ.Усмонов, У.Жўраев); 6-синф, "Тарих" (А.Сағдуллаев, В.Костецкий) ўқув дастурлари ва қўлланмалар ҳамда ўқитувчилар учун методик қўлланмалари тавсия этилади.

7-синфлар учун "Ўзбекистон тарихи" (А.Муҳаммаджонов), 2003 йил, "Жаҳон тарихи" (Т.Салимов) 2003 йил.

8-синфлар учун "Ўзбекистон тарихи" (Н.Норқулов ва б), 2003 йил, "Жаҳон тарихи" (А.Фармонов), 2003 йил.

9-синфлар учун "Ўзбекистон тарихи" (Г.Ҳидоятов ва б.), "Жаҳон тарихи" (Э.Холиқов ва б.).

10-синф «Ўзбекистон тарихи» дастури (Д.Алимова, В.Костецкий), 2003 й.

10-синф «Жаҳон тарихи» дастури (Г.Ҳидоятов, В.Костецкий), 2003 й.

10-синф "Ўзбекистон тарихи" (Д.Алимова ва б.), «Шарқ»,2003 й.

10-синф "Жаҳон тарихи" (Г.Ҳидоятов), «Шарқ»,Т., 2003 й.

10-синф «Жаҳон тарихи» ўқитувчилар учун методик қўлланма (В.Костецкий).

10-синфлар учун ўтиш даври дастури ва амалдаги 2003-2004 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 10-синф ўқувчиларига 51 соатлик янги дастур асосида, ХХ аср бошларидан ХХ асрнинг охиригача бўлган тарихий воқеалик юзасидан билимлар берилади. Бунда ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак:

— Биринчи жаҳон урушидан кейинги жаҳондаги ўзгаришлар ва социалистик лагернинг пайдо бўлиши.

— Шўро ҳукумати ва большевикларнинг ҳокимизга қилган адолатсиз қатағонлик сиёсати, уларнинг мулкий ва маънавий ҳуқуқлари поймол этилгани.

— Иккинчи жаҳон урушининг бошланиш сабаблари ва оқибатлари.

— Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, халқимизнинг фронт ва фронт орқасидаги меҳнати.

— Қайта қуриш сиёсати ва унинг собиқ Иттифоқ халқларига нисбатан қўлланилиши оқибати, Гдлян ва Ивановларнинг «Пахта иши» сиёсатидан кўзланган мақсад.

— Собиқ Иттифокнинг парчаланиб кетиш сабаблари.

— Ўзбекистонда Президентлик институтининг жорий қилиниши, «Мустақиллик декларацияси»нинг эълон қилиниши.

(Давоми бор)

Замонавий компьютерлар, электрон ҳисоблаш техникалари билан ишлаш учун пухта билим ва малака талаб этилади.

Фарғона вилоятидаги Марғилон педагогика коллежи "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" фани ўқитувчиси Абдутолиб Қамбаров ёш авлодга ана шу фаннинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.



Шайхонтохур туманидаги 324-мактаб тарих фани ўқитувчиси Жўра Омонов 37 йилдан бери ўқувчиларга Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг бой меросидан сабоқ бериб келаётир. "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деган шиорга амал қилиб келаётган Ж.Омоновнинг дарсларини ўқувчилар жон қулоқлари билан тинглашади.

Бурхон РИЗО олган сурат.

Har bir yosh o'qituvchi bo'sh paytida uslubiyot xonasidagi televizor, videomagnitofon materiallaridan foydalanib, o'ziga kerakli uslublarni tanlab olib, dars jarayonida foydalanmoqdalar.

Milliy dastur — amalda

ҚЎҲНА ВА НАВҚИРОН МАСКАН

унинг бугунги куни ва истиқболдаги вазифалари хусусида

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Чунки давлатнинг дунёда тутган ўрни, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши шу юртдаги инсонларга, бу ерда тайёрланаётган рақобатбардош юқори малакали кадрларга боғлиқ. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган, эркин фикрлайдиган, юксак маънавий сифатларга эга, касб маданиятини чуқур эгаллаган, ахлоқий пок, ижтимоий фаол, маъсулиятини ҳис эта билган мутахассисларни етиштириш айни чоғда барча педагогларнинг асосий вазифасидир. Мазкур саҳифамизда мамлакатимизнинг энг қўҳна ҳамда ҳамиша навқирон педагогика йўналишидаги илм масканларидан бири — Хива педагогика касб-ҳунар коллежининг бу борада амалга ошираётган ишлари хусусида сўз юритилади.

Ўз фаолиятини 1922 йилдан бошлаган педагогика билим юртимиз 2000 йилда қайта таъмирланиб, янги асбоб-ускуналар, ўқув-кўргазмали қуроллар, мебель жиҳозлари билан бойитилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 47 та ўқув хонаси, 9 та лаборатория хонаси, 4 та лингафон, 2 та компьютерлаштирилган хона, спорт зали ва майдончаси, ошхона, 3 та 300 кишилик ётоқхонага эга бўлган янги турдаги таълим муассасаси сифатида илм даргоҳимиз ўша йили 1 сентябрдан ўқувчиларни ўз бағрига олди. Ҳозир коллежимизда 1854 нафар ўқувчи 10 та йўналиш бўйича таълим олмоқда.

Бугунги кунда коллежни махсус қайта тайёргарликдан ўтган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатга кўтариш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш, яъни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури II сифат босқичини амалга ошириш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Коллежда фаолият кўрсатиб турган 10 та фан кафедраларининг асосий иши давлат таълим стандартларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадига қаратилган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг сифатини юқори даражага кўтариш, самарадорлигини ошириш, ДТСларда белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида коллеж ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Коллеж ўқитувчи ва раҳбар ходимлари режа асосида Тошкент, Бухоро, Урганч шаҳарларидаги марказий малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўқиб, билим ва савияларини оширмоқдалар. Бундан ташқари, физика фани ўқитувчиси Норбек Жонибеков Жанубий Кореяга малакасини ошириш учун юборилди. У Жанубий Корея Республикаси томонидан Ўзбекистонга юборилган асбоб-ускуналар, лаборатория қўлланмаларини ишлатиш жараёнлари билан батафсил танишиб олиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги кунда Н.Жонибеков ушбу асбоб-ускуналарни қўллаб, дарс машғулотлари ва лаборатория ишларини олиб бормоқда. Режа асосида Хива туманида жойлашган ЎМКҲТ муассасалари физика фани ўқитувчиларига лаборатория машғулотларини самарали ўтказишлари юзасидан амалий ёрдам бериб келмоқда.

Педагогика коллежида умумтаълим фанларидан доимий харакатдаги малака ошириш курслари олиб борилмоқда. Бундай курслардаги ўқув машғулотлари педагог кадрларни асосий ишидан ажратмаган холда ташкил этилаяпти. Ана шундай ДҲМО курсларида йил давомида тумандаги 81 нафар ўқитувчи ўз билим ва савиясини оширишга муваффақ бўлди ва уларга махсус гувоҳномалар топширилди.

Коллежда замонавий ахборот технологияларини ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд. Фан хоналари замонавий техника воситалари ва компьютерлар, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар билан жиҳозланган. Алоҳида "Янги педагогик технологияларни ўрганиш" услубиёт хонаси ташкил қилинган. Дарслар янги педагогик технологияларга асосланиб, ноанъанавий услубларда ўтказилмоқда. Бу услубиёт хонаси видеокамера, видеомагнитофон, телевизор, компьютер ва кўргазмали қуроллар, услубий тавсияномалар билан жиҳозланган. Янги педагогик технология элементлари қўлланиб ўтказилган ҳар бир машғулот, очиқ дарс, кўрик-танлов ҳамда илғор тажрибани оммалаштириш ишлари видеотасвирларга ёзиб олиниб, мутахассислар томонидан таҳлил қилинади ва оммалаштирилмоқда.

Маълумки, Хива шаҳри тарихий обидаларга бой. Шу сабабли, тарих, адабиёт, география, биология, миллий истиқлол ғояси фанлари бўйича ноанъанавий дарслар "Ичон Қалъа" қўриқхонасининг бир қатор музейларида ўтказилмоқда. Анъанавий педагогиканинг зарур ва фойдали томонларини унутмаган ҳолда дарс машғулотларида Ал-Хоразмий, Феруз, Огаҳий, Жалолиддин Мангуберди каби сиймоларнинг жасорати, ватанпарварлиги, элпарварлиги таҳлил қилиб берилади. Таълим ва тарбиянинг янги усулларини қўллашда андозасизлик ва ноанъанавийликка ижодий ёндашилмоқда. Ҳар ўқув йили давомида "Йил ўқитувчиси", "Намунали фан хонаси", "Намунали ётоқхона" кўрик-танловлари ўтказилиб борилмоқда. Ўқитувчиларни таълим соҳасидаги янгиликлар билан таништириб бориш, маъруза матнлари, услубий ишлар ёзиш, мақола ва китоблар чоп қилишда услубиёт хонаси қошидаги "Ўқитувчилар илмий-ижодий кенгаши", "Ёш ўқитувчилар кенгаши", "Илғор тажрибани ўрганиш мактаби" томонидан муайян ишлар қилинмоқда.

"Ўқитувчилар илмий-ижодий кенгаши" аъзолари ўқитувчилар томонидан тайёрланган маъруза, услубий ишлар, тавсияномаларни атрофлича кўриб чиқиб, муҳокама қиладилар ва муносибларини чоп қилишга ёрдам берадилар. Ўқитувчиларимиздан Нодира Мадраҳимова, Шоира Файзуллаева, Саломат Нуруллаева, Муборак Ражабова ва бошқаларнинг ўқув-услубий мақолалари "Маърифат", "Хоразм истеъдоди", "Хоразм ҳақиқати", "Хива тонги" каби рўзномаларда чоп қилинмоқда.

Бундан ташқари, коллеж ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари С.Отамуратованинг "Маърифат маскани", "Буюк аждодларимиз асарларида экологик таълим ва тарбиянинг ёритилиши", "Ўрта махсус ўқув юртларида адабиёт фанини ўқитаётганда талабалар онгида экологик тарбияни шакллантириш" номли китоби ва кўпгина мақолалари чоп қилинган. Ижтимоий фан ўқитувчиси Роза Эшчанованинг "Изланишлар, тадқиқотлар, кашфиётлар" номли китоби ва қатор илмий мақолалари чоп қилинган. Тасвирий санъат фани ўқитувчиси Бобожон Жуманиёзов "Хива гилами", "Кўнглим сиздадир", "Лаффасий ташқарий шудро", "Ўчмас чироқ" ва бошқа кўпгина китобларни бадиий безашга муаллифлик қилган. "Бадиий безаш санъати" фани дастурини ишлаб чиққан.

Илм даргоҳимизда ташаббускор, ижодкор ўқитувчиларнинг иш фаолияти "Илғор педагогик тажрибани ўрганиш мактаби" томонидан ўрганилиб, услубиёт хонаси томонидан оммалаштирилиб борилади. Деворий стендлар, услубий бурчаклар ташкил қилиниб, уларнинг ижодий ишлари, матбуотда чоп қилинган мақолалари, китоблари ва услубий ишлари намуна қилиб кўрсатилади. Ижодий ишлар кўргазмалари, тадбирлар, учрашувлар, илғор педагогик технологиялар қўллаб ўтилган очиқ дарслар видеотасвирга ёзиб олинади. Ушбу видеотасвирлар тўплами услубиёт хонасида сақланади. Ҳар бир ёш ўқитувчи бўш пайтида услубиёт хонасидаги телевизор, видеомагнитофон материалларидан фойдаланиб, ўзига керакли услубларни танлаб олиб, дарс жараёнида фойдаланмоқдалар.

ЎМКҲТ муассасаларида ўқув-меъёрий ҳужжатларни тажриба-синовдан ўтказиш мақсадида кўпгина касб-ҳунар коллежларида тажриба-синов майдончалари ташкил қилинган. Бизнинг коллежимизда ҳам "Миллий истиқлол ғояси" фанини ўқитиш бўйича ўқув режа ва дастурлари мазмунини такомиллаштириш, ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш борасида ана шундай тажриба-синов майдончаси ишламоқда.

Биз ўз иш фаолиятимизни "Миллий истиқлол ғояси" фани ўқув хонасини ташкил этишдан бошладик. Шундай қилиб, замон талабига жавоб берадиган ўқув хонаси янги техника воситалари, компьютерлар, кўргазмали қуроллар, услубий қўлланмалар билан таъминланди. Бу ерда миллий истиқлол ғоясининг тадқиқи билан боғлиқ бўлган бир неча илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудий ЎМКҲТ бошқармалари билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари директорлари, директор ўринбосарлари, фан ўқитувчиларининг иштирокида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан бир неча бор илмий-амалий семинарлар ташкил этилди.



Хива туманидаги ЎМКҲТ муассасалари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича бизнинг коллежимиз таянч илм маскани ҳисобланганлиги боис, уларнинг барчасига илмий-амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ўқувчиларимизнинг билим ва кўникмаларни пухта эгаллаши, билим савиясининг ошиб бориши якуний назорат ишлари, фан олимпиадаларида намоён бўлмоқда. Коллеж ўқувчиларидан Мақсуд Латипов 2000-2001 ўқув йилида тасвирий санъат ва чизмачилик фанидан республика фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, коллежимизнинг туризм бўлими, гид-таржимон мутахассислиги бўйича таълим олаётган ўқувчимиз Инесса Ювакаева АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти томонидан эълон қилинган тест танловларида қатнашиб, ғолиб чиқди ва бир йил давомида АҚШда яшаш ҳамда таълим олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Коллежда маънавият ва маърифат ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларимиз улуғ аждодларимизнинг ўтмиши, тарихи, шарқона урф-одатлари ва қадриятларини янада чуқурроқ ўрганишлари, ўрнак олишлари мақсадида кўпгина тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ҳар бир ўқув йилида улуғ аждодларимиз таваллуд топган кунлар кенг нишонланади. 2002-2003 ўқув йилида коллежимизда журналист ва шоир Фозил Зоҳиднинг 75 йиллиги, Ўткир Ҳошимовнинг 60 ёшга тўлганлиги, Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девоновнинг 70 ёшга тўлганлиги муносабати билан учрашувлар ўтказилди.

Ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли салбий гуруҳ таъсирига тушиб қолиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида коллежда ҳуқуқий тарбиявий ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу мавзуларда тарбиявий кечалар, давра суҳбатлари, ҳуқуқ тартибот органи ходимлари ва шифокорлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Умуман айтганда, ўқувчиларнинг ҳар хил оқимларга қўшилишга вақти ҳам йўқ, десак бўлади. Чунки коллежимизда бугунги кунда ёшларнинг энг севимли машғулотларига айланган ёш қаламкашларнинг "Ниҳол" тўгараги ва иқтидорли ўқувчиларнинг "Заковат" клуби машғулотлари мунтазам равишда олиб борилиб, бунинг натижасида ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ва қизиқарли ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, ҳаваскорлар тўгараги қатнашчилари "Баҳор — 2002", "Баҳор — 2003" кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллаб, республика босқичида қатнашишга муяссар бўлдилар.

Коллежда 15 та тўгарак ташкил этилган. Бунга 300 дан зиёд ўқувчи жалб қилинган. Спортнинг 6 тури бўйича тўгараклар фаолият кўрсатиб, уларга 125 нафар ёш йигит-қизлар қатнашади. Туман ва вилоят босқичларида ўтказиладиган спорт мусобақаларида коллежимиз ўқувчилари фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўқувчиларимиздан Эътибор Шераева катта теннис бўйича туман ва вилоят босқичларида фахрли 1-ўринни эгаллаб, "Баркамол авлод" спорт ўйинларида қатнашди. Дилшод Бобожонов, Жаҳонгир Йўлдошевлар эса кураш бўйича туман, вилоят ва республика биринчилиги ғолибларидир.

Бугунги кунда режалаштириб қўйган ишларимиздан бири — коллежимиз янги мақомга эга бўлгандан кейинги даврда биринчи қалдирғочлар ҳисобланмиш ҳуқуқшунос-иқтисодчи, ЭҲМ оператори ва дастурчиси, туризм соҳаси гид-таржимон йўналишлари бўйича илк битирувчиларга диплом топшириш маросимлари тантанали равишда ўтказилди.

Энг қувонарлиси шуки, Хива шаҳри тарихий обидаларга бой бўлганлиги сабабли, чет эллик сайёҳларни ўзига жалб этади. Шу боисдан ҳам, биз тарбиялаб чиқараётган гид-таржимонларга, ЭҲМ оператори ва ҳуқуқшуносиқтисодчиларга эҳтиёж катта, улар ишга жойлашиш муаммосига учрамайдилар.

Буюк аждодларимиз Беруний, Огаҳий, Феруз, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, Ал-Хоразмийлар ватандошлари бўлган ёшларга диплом топшириш тантанасини "Ичон Қалъа" қўриқхонасидаги Ал-Хоразмий ҳайкали олдида кенг жамоатчилик иштирокида ўтказдик. Бу эса ёшларнининг руҳини кўтариб, ватанпарварлик ғурурини янада ўстиришига аминмиз.

Зарифбой ҚЎЧҚОРОВ,
Хива педагогика касб-ҳунар коллежи директори,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

Maxsus maktab-internatlarda

БОШИМИЗ ТАЪЗИМДАДИР, ОНАЖОН ВАТАН!

Биз кўпинча кўча-кўйда, транспортда имо-ишора, қўл ҳаракати билан «тиллашиб» кетаётган кишиларни учратиб қоламиз. Улар худди шу ҳаракатлар орқали бемалол «сўзлашишади», ҳазил-ҳузул қилишади. Шундай пайтларда уларни бундай «сўзлашув»га қаерда ўргатишар экан, деб ўйлаб қолувчилар ҳам топилади.

Табиатан кар-соқов болаларни бурро «сўзлашув»га, сурдо белгилари билан мулоқот қилишга ўргатувчи ҳамда уларга тарбия берувчи Фарғона вилоятидаги ягона бўлган илм даргоҳи ана шундай масканлардан.

Қувасой шаҳрида жойлашган ушбу 90-карлар махсус интернати 1971 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Интернат дастлаб 18 нафар кар-соқов болаларга таълим-тарбия бера бошлаган бўлса, ўша йилнинг охирида уларнинг сони 80 нафарга етди.

Бугун эса мазкур илм даргоҳида 252 нафар болалар вилоятнинг барча шаҳар, туманларидан келиб сабоқ олишмоқда. Уларга 44 нафар махсус мутахассисликка эга педагоглар, 38 нафар тарбиячилар ғамхўрлик қилмоқда.

ҲОМИЙЛАР ҚЎЛЛАБ ЮБОРИШДИ

— Мактаб-интернатимиз мослаштирилган биноларга жойлашган, — дейди унинг раҳбари Баҳромжон Рашидов. — 4 та икки қаватли, аввалари аҳоли яшаш жойи бўлган бинолар махсус интернатга эҳтиёж ортганлиги сабабли бўшатиб берилган. Бу бинолар болаларнинг ўқиши, дам олишлари, спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун синфхоналари, ётоқхона ва мўъжаз спорт зали сифатида мослаштирилган. Тўғри, интернатимиздаги синфларда ўқувчилар саноқли бўлганлиги боис, катта синфхоналар бўлиши шарт эмас. Лекин бино эски, бир неча йиллардан буён мукаммал таъмирланмаганлиги ногирон болаларнинг билим олишлари учун қийинчилик туғдирар, яхши яшаш шароити яратилмаган, қолаверса, жиҳозларнинг эскилиги, кўпи ишдан чиққанлиги сабабли парта, стол-стуллар етишмас эди.

Вилоят ҳокимининг қарори асосида Фарғонада «Халқ таълими кунлари» жорий этилган бўлиб, ҳар ойда вилоят, шаҳар ҳокимликлари, вилоят халқ таълими бошқармаси вакиллари жойлардаги таълим тизими муассасаларида бўлишиб, ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиш ва тўпланган материаллар бўйича ҳокимликларда оталиқ ва ҳомий ташкилотлар раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар иштирокида ўтказиладиган йиғилишларда масала ўртага ташланади ва бу муаммолар ечими биргаликда ҳал этилади.

Ўтган март ойидаги «Халқ таълими кунлари» муносабати билан бизнинг илм масканимизда бўлган вакилларга барча дард-ҳасратларимизни тўкиб солдик. Улар ишларимиз билан танишиб, қониқиш ҳосил қилган ҳолда муаммоларимиз ҳам талайгина эканлигига гувоҳ бўлишди. Вилоят ҳокими, вилоят прокуратураси вакили иштирокида ўтган йиғилишда бизнинг интернатга тезлик билан ҳомийлик ёрдами кўрсатишга қарор қилинди.

Шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси раҳбарлигида кўплаб олийҳимматли кишилар савобли ишга қўл уришди. Уларнинг ёрдами билан интернатимиз сезиларли даражада яхши томонга ўзгарди. 12 млн. 500 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундай хайрия ишида айниқса «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти, «Қувасойцемент – таъмирлов» корхонаси, 8-механизациялашган кўчма колонна, шаҳар темир-бетон корхоналарнинг ҳимматлари алоҳида бўлди.

Ҳомийлар ёрдамида мавжуд 4 та бино, 240 ўринли ётоқхона тўлиқ таъмирланди, том шиферлари янгиланди, 120 ўринли ошхона поли линолеум билан қопланди. Шу билан бир қаторда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, бадиий адабиётлар ва замонавий «Пентиум-3» русумли компьютер сотиб олиш учун 4 млн. сўм пул ажратилди ва шунинг эвазига 24 та синф хонаси стол-стуллар билан таъминланди. Шунингдек, темир-бетон корхонаси томонидан ҳадя этилган 500 жуфт оёқ кийимлар кўнгли ярим болалар дилига шодлик олиб кирган бўлса, интернатнинг яроқсиз ҳолда ётган ҳаммоми барча қулайликларга эга бўлган ҳолда таъмирланиб, ишга туширилиши санитария-гигиена ҳолатларининг янада яхшиланишига сабаб бўлди.

Интернатнинг ташқи кўриниши салобат тўкиб шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Шўх-шодон ўқувчилар эса спорт, дам олиш майдончаларида ўз тилларида «қулоқни қомат»га келтириб ўйнашмоқда. Улар мухбир эканлигимизни билиб қолишгач, бизни ўраб олиб, бири қўйиб бири турли ишоралар қила бошлашди. Уларнинг бу ишораларида қувонч акс этса-да, нима демоқчи эканликларини тушунмадик. Шунда Баҳромжон бизга ёрдамга келди. Уларнинг имо-ишоралари қуйидагиларни ифода этар эди: «Биздек кўнгли ярим болаларга ғамхўрлик қилаётган шаҳримиз, вилоятимиз раҳбарларига, ҳимматли инсонларга, бизнинг ўзгалардан кам қилмай ўқиб тарбия олишимизга, касб-ҳунар ўрганишимизга шароит яратиб бераётган ҳукуматимизга, болажон Президентимизга миннатдорчилигимизни етказишингизни илтимос қиламиз. Ота-онамиздек ғамхўр Ватанимиз борлигидан мағрурланамиз ва бош эгиб унга таъзим этамиз»

Ҳа, бу жисмонан нуқсонли, кўнгли ярим болаларнинг дилидаги гаплар эди.

САБОТ БИЛАН САВОД ЧИҚАРИЛМОҚДА

Махсус мактаб-интернатдаги 44 нафар педагогларнинг 22 нафари сурдологлардир. Улар қабул қилинган 7 ёшли гапира олмайдиган, эшитмайдиган болаларга сурдология имлолари асосида қўллари билан ҳарфлар ҳосил қилишни ўргатар эканлар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, биринчи синфга ўқишга келган ҳар томонлама соғлом ўқувчига ҳарфлар танитиш ўқитувчидан катта маҳорат, сабр-тоқат талаб қилади. Ҳар бир ҳарф муаллимнинг маҳорати, сабот ва чидами билан ўқувчига таништирилиб, онгига сингдирилади. Ҳеч қандай сўзни тушунмайдиган, сўзлаш қобилияти бўлмаган болага қўл ҳаракатлари билан сўзлашувни, арифметик машқларни ўргатиш сурдопедагоглардан қанчалик маҳорат, сабот талаб қилишини энди ўзингиз тасаввур этиб кўринг. Мактабдаги 13 нафар бошланғич синф муаллимлари зиммасига худди шундай масъулият юкланган. Янги келган болаларнинг кўпчилиги «тилсиз» бўлсалар ҳам, юқори синфларга ўтгач, ҳикоямизнинг бошида таъкидлаганимиздек, «сўзамол» бўлиб кетишади.

Ана шу ўқувчиларга замон талаблари асосида янги педагогик технологияни қўллаб билим бериб келаётган устозлардан Ф.Маматова, М.Зокирова, Л.Чапарова, И.Ғофурова, Ҳ.Йўлдошева, М.Арзиқулова, Ф.Ҳайитбоева, Б.Назарова, Т.Йўлдошева, К.Хошимова, Х.Абдуллаева, Б.Юрсунова, Х.Маҳмудова кабиларнинг бой тажрибалари ёш муаллимларга мактаб бўлмоқда. Мазкур илм масканида 5 та методик бирлашма фаолият кўрсатиб келмоқда. 2002-2003 ўқув йили «Таълим тизимида методик хизматни такомиллаштириш ўқув йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ана шу методбирлашмалар иши қайтадан кўриб чиқилиб, тажрибали педагоглар иши ёш ўқитувчилар учун тажриба мактаби сифатида такомиллаштирилди.

Масалан, бошланғич синф ўқитувчиси Ф.Маматова шу соҳада 33 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Олий тоифали, халқ таълими аълочиси М.Арзиқулова 28 йиллик педагогик фаолиятга эга. Олий тоифали расм ўқитувчиси Б.Ализафаровнинг ҳам катта тажрибаси. Бундай ўқитувчилардан ёшлар ҳар қанча ўрганишса арзийди. Шунинг учун устозларнинг дарслари доимо очиқ деб эълон қилинган. Ўқувчиларга пухта билим беришда 6 та махсус эшитиш аппарати билан жиҳозланган кабинетлар, сурдопедагоглар ёрдамида хизмат кўрсатаётган 2029 та бадиий адабиётга эга бўлган кутубхона, худди шундай сурдопедагог-таржимонлар орқали тушунтирилиб бориладиган телекўрсатувлар яқиндан ёрдам бермоқда.

Интернат раҳбарияти томонидан ўқитувчилар ўз вақтида малакасини ошириб туришлари таъминланиб келинмоқда. Шунингдек, Андижон ва Наманган вилоятларидаги махсус интернатлар билан ўзаро тажриба алмашиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ана шулар эвазига 24 та синфдаги 252 нафар ўқувчиларнинг билим самарадорлиги ортиб бормоқда. Жорий ўқув йили натижаси таҳлил қилинганда, ўқувчиларнинг умумий билим сифати 96 фоизни ташкил этмоқда. Бу, албатта, сабот ва чидам билан ўқувчиларга сабоқ бераётган устозларнинг қилган меҳнатлари меваси-дир.

ЎҚУВЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМО НАЗОРАТДА

Мактаб-интернатда 6 нафар малакали тиббиёт ходимлари соғломлаштириш ишлари билан банд. Булар педиатр, стоматолог, отолоринголог ҳамда 3 нафар ҳамшира бўлиб, доимий равишда тарбияланувчилар ҳамда тарбиячилар саломатлигини назорат қилиб боришади. Турли тиббий кўриклардан ўтказиш, касаллиги аниқланган ўқувчиларга қўшимча тиббий муолажалар кўрсатиш, уларнинг ота-оналари билан фарзандлари саломатлиги хусусида якка тартибда суҳбатлашиш ва уларга шу касалликларни даволашда тиббиёт ходимлари тавсияларига амал қилиш ҳақида кўрсатмалар бериш билан бирга, касалликлар ва турли зарарли одатларга берилиб қолишнинг олдини олиш мақсадида кўпгина суҳбат ва тадбирлар ўтказилиб турилади.

— «Чекишнинг зарари», «Гиёҳвандлик — умр заволи», ОИТС, камқонлик, грипп, вирусли гепатит касалликларидан сақланиш, экология ва саломатлик тадбирларини ўтказиб келаётганлигимиз сабабли, мактабимизда 3 йилдан буён юқумли касалликлар билан бирорта ҳам ўқувчи касалланганги йўқ, — дейди интернат бош шифокори С.Умрзоқова. — Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўсмирлар ва қизлар тез-тез назоратдан ўтказилади. Ўқувчилар саломатлигини тиклаш мақсадида интернатда фитобар, муолажа, изолятор хоналари, КУФ, «Кварц», УЗИ аппаратлари билан жиҳозланган кабинетлар ташкил этилган.

КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ

Махсус мактаб-интернатимизнинг юқори синф ўқувчилари хоҳишларига қараб этикдўзлик, дурадгорлик, сартарошлик ва тикувчилик касблари бўйича тўгараклар ишига жалб қилинадилар, — деб сўзини давом эттирди Б.Рашидов. — Ҳозир 50 нафар юқори синф ўқувчилари дарслардан бўш вақтларида ўз устозларидан шу сингари касб-ҳунар сирасрорларини ўрганишмоқда. 9 йиллик таълимдан сўнг ўқувчилар мустақил ҳаётда ўз ҳунарлари бўйича фаолият юритишлари мумкин.

Ўқувчилар шунингдек, спорт тўгаракларида ҳам қатнашиб, чиниқиб боришади. Улар билан 3 нафар жисмоний тарбия муаллимлари спортнинг волейбол, футбол, қўл тўпи, акробатика ва бошқа турлари бўйича машғулотлар олиб боришади. Ўқувчиларимиз ўтган йили вилоят миқёсида ногирон болалар ўртасида футбол бўйича ўтказилган мусобақада 3-ўринни эгаллашди.

БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

Махсус мактаб-интернат касаба уюшма қўмитаси раиси Фотима Ҳайитбоеванинг таъкидлашича, ўқувчиларнинг ўқишдан ташқари маданий дам олишлари, яшашлари учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Ўқув йили давомида турли мавзулардаги суҳбатлар, учрашувлар, талбирлар ўтказиб турилади. «Балли, йигитлар», «Балли, қизлар», «Наврўзи олам» каби кўплаб тадбирлар ўқувчилар қалбига олам-олам шодлик олиб кирса, туғилган кунлар, байрам тантаналарини нишонлаш уларга завқ-шавқ бағишлайди.

Маърифжон Ҳакимов бошчилигидаги қўли ширин ошпазларнинг кунига 4 маҳал пишириб бераётган иссиқ овқатларини болалар суюб тановвул этишади. Кечки дам олиш пайтида эса 5 та дам олиш залига қўйилган телевизорлар уларнинг хизматида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жисмонан ногирон, кўнгли ярим болалар бу масканда барча ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб вояга етишмоқда.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ,
«Ma'rifat»нинг
махсус мухбири

Shamol mag'rur edi, shu bois Santyagoning gaplari uni ranjitdi. U kuchli esa boshladi, sahro qumlarini to'zitdi. Biroq oxir-oqibat, garchi butun dunyoni kezgan esa-da, odamni shamolga aylantira olmasligini tan olishga majbur bo'ldi. Sevgini ham bilmasligiga iqror bo'ldi.

Пауло КОЭЛО **Роман**

АЛКИМЁГАР

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Учинчи куни қабила бошлиғи ўзининг ҳарбий сардорларини йиғди.

— Кўрайлик-чи, бу бўзбола қандай қилиб шамолга айланаркан, — деди у.

— Кўрамиз — жавоб қилди Алкимёгар.

Сантяго уларни ўзи кеча кун бўйи ўтирган жойга олиб борди. Кейин ўтиришларини сўради.

— Бироз кутишга тўғри келади, — деди у.

— Шошаётган жойимиз йўқ, — деди қабила бошлиғи. — Бизлар сахро одамларимиз.

Сантяго уфққа қаради. Олдда тоғлар, қум барханлари, қоя-тошлар бор; гиёҳ кўкариши ақлга сиғмайдиган қумлоқда ажабтовур ер бағирлаб ўт-ўланлар ўсиб ётибди. Унинг рўпарасида сахро ястаниб ётибди — бир неча ой уни кезди, бироқ барибир сахро сиру синоатининг арзимасгина қисмидан хабардор бўлди. Йўлида англияликни, карвонларни учратди, қабилалар ўртасидаги жангларга гувоҳ бўлди, эллик минг туб хурмо кўкариб турган ва уч юзта қудуқли воҳани, Фотимани кўрди.

— Хўш, — сўради ундан сахро, — сенга яна нима керак? Куни кеча бир-биримизга термилиб тўймаганмидик?

— Ўша тарафда, сенинг қум барханларинг орасида менинг севган ёрим яшайди, — жавоб қилди Сантяго. — Сенга термилганимда мен уни ҳам кўраман. Унинг ёнига қайтгим келади, бунинг учун сенинг кўмагинг керак. Мен шамолга айланишим даркор.

— "Севги" деганлари нима ўзи? — сўради сахро.

— Севги — бу қум барханлар устидаги қирғий парвози. Унинг учун сен ям-яшил ўтлоқсан. У сенинг қоя тошларингни, сенинг барханларингни, тоғларингни билади. Сенинг эса унга бағринг доимо очиқ.

— Қирғийнинг тумшуғи менга азоб беради, — жавоб қилди сахро. — Менинг йиллар бўйи етиштирганим унга ўлжа бўлади, ваҳоланки, мен уни камчил сувим билан суғораман, қорнини қаерда тўйдиришини кўрсатаман. Кейин эса осмондан шўнғиб келади — энди мен қумларимда ҳаёт борлигидан қувонаман деган паллада у етилтирганимни илиб олиб кетади.

— Бироқ сен унинг учун етилтиргансан-ку. Қирғийни боқиш учун. Қирғий эса одамни боқади. Бир пайт келиб одам сенинг қумларингни тўйинтиради ва шунда яна ҳаёт жонланади, қирғийга ўлжа пайдо бўлади. Олам шундай яралган.

— Севги деганлари шуми?

— Севги деганлари шу. Севги ўлжани қирғийга айлантиради, қирғийни — одамга, одамни эса сахрога. Кўрғошинни олтинга айлантирадиган, олтинни ер остига бекитадиган сир шу.

— Мен бу гапларнинг маънисига тушунмайман, — жавоб қилди сахро.

— У ҳолда бир нарсани тушун: сенинг қум барханларинг орасида мени бир аёл кутаётир. Ва шунинг учун мен шамолга айланишим керак.

Сахро бир муддат жим қолди.

— Мен сенга қумларимни бераман, шамол уларни қуюнга айлантириши учун. Бироқ бу кам. Ёлғиз ўзим ҳеч нима қилолмайман. Шамолдан ёрдам сўра.

Енгилгина шамол қўзғалди. Ҳарбий сардорлар узоқдан туриб бўзболанинг ўзларига тушунарсиз тилда ким биландир гаплашаётганини кузатишарди.

Алкимёгар кулимсиради.

Шамол Сантягога яқинлашди, унинг юзига урилди. Шамол унинг сахро билан гаплашганини эшитди, чунки шамоллар ҳамма нарсадан хабардор. Улар дунё кезиб елиб-югуришади, уларнинг туғилган макони ҳам, ўлим топган жойи ҳам йўқ.

— Менга ёрдам бер, — деди унга бўзбола. — Бир сафар менга сен севгилимнинг овозини олиб келган эдинг.

— Сахронинг ва шамолнинг тилида гаплашишни сенга ким ўргатди?

— Менинг юрагим, — жавоб қилди Сантяго.

Шамолнинг номи кўп эди. Бу ерда уни "сирокко" дейишади, араблар уни серсув ва қоратанли одамлар яшайдиган ўлкалардан елади, деб ўйлашарди. Сантягонинг юртида эса уни "левантинлик" дейишади, чунки бу шамол сахро қумларини ва маврларнинг жанговар ҳайқириқларини олиб келади, деб ўйлашган. Эҳтимол, қўйлар учун яйлов йўқ узоқ мамлакатларда одамлар бу шамол Андалусиядан туғилади, деб ҳисоблашган. Бироқ шамол ҳеч қаерда туғилмайди ва ҳеч қаерда ўлмайди, шу боисдан ҳам у сахродан қудратлироқ. Чунки сахрода нимадир кўкартиришга одамлар қодир; улар сахрода қўйларни ҳам кўпайтира олишади, бироқ шамолни ўз измларига сола олишга уларнинг қурби етмайди.

— Сен шамолга айлана олмайсан, — деди шамол. — Сен билан бизнинг аслимиз бошқа-бошқа.

— Нотўғри, — жавоб қилди Сантяго. — Мен сен билан бирга дунё кезганимизда, менга алкимё сирлари аён бўлди. Энди менда шамол ҳам, сахро ҳам, океан ҳам, юлдузлар ҳам, Оламда бино бўлган ҳамма нарса жам бўлган. Бизни — сену мени бир қўл бино этган ва бизнинг қалбимиз ҳам битта. Мен сендай бўлишни хоҳлайман, ҳар қандай кавакка киришни, денгизлар устида елишни, хазинамни бекитиб ётган қум барханларини тўзитишни, севгилимнинг овозини олиб келишни истайман.

— Бир сафар мен сенинг Алкимёгар билан гаплашганингни эшитдим, — деди шамол. — У ҳар кимнинг ўз Йўли бор, деди. Одам шамолга айланмаслиги керак.

— Бир неча лаҳзага бўлса-да сенга айланишни ўргат. Ўшанда одамнинг ва шамолнинг чексиз имкониятларини муҳокама қиламиз.

Шамол қизиқувчан эди — бунақасини ҳали учратмаганди. Унинг ана шу масалада тортишгиси келди, бироқ у чиндан ҳам одамни шамолга айлантиришни билмасди. Аслида эса жуда кўп нарсага қодир! Сахрони пайдо қила оларди, кемаларни чўктирарди, асрлик дарахтларни ва ҳатто бутун бир ўрмонни қулатарди, мусиқа янграб турган, тушунарсиз товушлар таралиб турган шаҳарлар узра елиб ўтарди. Оламда ҳамма нарсага қурбим етади, деб ҳисоблаган шамолга энди бу болакай ўз хоҳишини рўкач қилиб, буни ҳам амалга оширишга қобилсан, деб қистаётир.

— Бу "севги" дейилади, — деди Сантяго, шамол ўзининг илтимосини бажаришига ишониб. — Агар севсанг, хоҳлаган нарсага айлана оласан. Агар севсанг, нималар бўлаётганини тушунишга мутлақо ҳожат йўқ, зеро, ҳамма нарса бизнинг ботинимизда кечади, демак, одам шамолга бемалол айлана олади. Албатта, шамол унга ёрдам берса.

Шамол мағрур эди, шу боис Сантягонинг гаплари уни ранжитди. У кучли эса бошлади, сахро қумларини тўзитди. Бироқ охир-оқибат, гарчи бутун дунёни кезган эса-да, одамни шамолга айлантира олмаслигини тан олишга мажбур бўлди. Севгини ҳам билмаслигига иқрор бўлди.

— Мен одамларнинг севги ҳақида гапира туриб, осмонга тикилишларига кўп бор гувоҳ бўлганман, — деди шамол, ўз ожизлигини тан олганидан жазаваси қўзиб. — Эҳтимол, сен ҳам осмонга мурожаат қиларсан, а?

— Бу ҳам бир фикр, — маъқуллади Сантяго. — Фақат сен менга ёрдамлаш: чанг-тўзон кўтаргин, мен қуёшга қарай олай ва кўзларим қамашмасин.

Шамол янада кучли эсди, осмон қум тўзони билан қопланди ва қуёш олтин баркашга айланди.

Қўналғадан туриб кузатаётганлар ҳеч нарсани ажрата олишмади. Сахро одамлари шамолнинг бу қилиғини билишар ва уни "самум", деб аташарди. Улар учун бу денгиз бўронидан-да даҳшатли эди, ваҳоланки, улар умр бўйи денгизда бўлишмаганди. Отлар кишнаб юборди, қум зарралари қурол-яроғга урилиб ғичирлади.

Ҳарбий сардорлардан бири қабила бошлиғи томон бурилиб деди:

— Етарли бўлди, чамамда?

Улар Сантягони кўрмасди. Юзлари оқ рўмол билан кўзларигача бурканган, кўзларида қўрқув қотиб қолган.

— Буни тўхтатиш керак, — деди бошқа бир ҳарбий сардор.

— Майли, Оллоҳ ўзининг жамики қудратини намоён этсин, — жавоб қилди қабила бошлиғи. — Мен одам қандай қилиб шамолга айланишини кўришни истайман.

Бироқ қўрққанини сездирганларнинг исмини у эслаб қолди. Ва шамол тингач, иккаласини ҳам мансабидан олиб ташлашга қарор қилди, зеро, сахрода қўрқиш ярамайди.

— Шамол менга сени севгини билади деб айтди, — Қуёшга мурожаат қилди Сантяго. — Шундай бўлса, Олам Қалбини ҳам билишинг керак — ахир, Олам Қалби севгидан бино бўлган.

— Бу жойдан менга Олам Қалби кўриниб туради, — жавоб қилди Қуёш. — У менинг қалбимга мурожаат этади ва биз биргаликда ўт-ўланни ўсишга, қўйларни эса соя жойларни қидириб топишга мажбур этамиз. Бу жойда туриб — бу жой сизларнинг дунёнгиздан жуда олисда — мен севишга ўргандим. Биламан, агар Ерга озгина яқинлашсам, жамики жонзот ҳалок бўлади ва Олам Қалби барҳам топади. Ва биз узоқдан бир-биримизга термиламиз, узоқдан туриб бир-биримизни севамиз. Мен Ерга ҳаёт ва иссиқлик бағишлайман, Ер эса — мавжудлигимнинг моҳиятини таъминлайди.

— Сен севгини биласанми? — такрор сўради Сантяго.

— Олам Қалбини ҳам биламан, чунки коинотни тинимсиз кезиб, биз у билан кўп гаплашамиз. У менга ўзининг асосий муаммосини гапириб берди: ҳозиргача фақат тошлар ва гиёҳлар оламдаги ҳамма нарсаларнинг ягоналигини тушунади. Шу боис темирнинг мисга ўхшаши, миснинг эса олтиндан фарқ қилмаслиги талаб этилмайди. Бу ягона оламда ҳар нарсанинг ўзининг аниқ вазифаси бор ва агар буларни битган Қўл Ижоднинг бешинчи кунида тўхтаганида, бариси бир ягона Симфонияга уйғунлашарди. Бироқ олтинчи кун ҳам бор эди.

— Сен доносан, — жавоб қилди бўзбола, — чунки ҳаммасини узоқдан кўриб кўрасан. Бироқ сен севги нималигини *билмайсан*. Агар одам пайдо бўлмаганида Ижоднинг олтинчи куни ҳам бўлмасди. Мис мислигича қолаверарди, кўрғошин — кўрғошинлигича. Ҳа, ҳар нарсанинг ўз Йўли бор, бироқ бу йўл пайти келиб босиб ўтилади. Шунинг учун нимагадир айланмоқ керак, янги Йўлни бошлаш лозим. Ва олам Қалби чиндан яхлитлик касб этгунча йўлни давом этиш зарур.

Қуёш ўйланиб қолди ва ёрқин нур соча бошлади. Бу суҳбатдан ҳузур туйган шамол ҳам, Сантягонинг кўзини қамаштирадиган нурлардан асраб, кучли эса бошлади.

— Алкимёнинг мавжудлиги шундан-ки, — давом этди Сантяго, — ҳар ким ўз хазинасини қидирсин ва топсин, шундан сўнг бурунгисидан кўра яхши бўлишни хоҳласин. Кўрғошин ўз вазифасини дунёга керак бўлгунигача адо этади, шундан сўнг у олтинга айланиши лозим. Алкимёгарлар шундай дейишади. Ва улар шуни далиллаб беришадики, биз олдингидан кўра яхши бўлишга интилган вақтда теварак-атрофимиз ҳам яхши бўлиб боради.

— Менинг севгини билмаслигимни қаёқдан олиб айтаяпсан? — сўради қуёш.

— Чунки севганингда бир жойда, сахрога ўхшаб, туриб бўлмайди, дунё бўйлаб, шамолга ўхшаб, изғимайди, сенга ўхшаб ҳамма нарсага узоқдан қарамайди. Севги — бу куч, у Олам Қалбини янгилайди ва яхшилайди. Мен илк бор унга уйғунлашганимда, у менга мукаммал бўлиб кўринди. Кейин мен кўрдимки, у — бизнинг баримизнинг аксимиз экан, унда ўз эҳтиросларимиз жўш ураркан, ўз урушларимиз кечаркан. Уни биз озиқлантирамиз ва биз яшаётган ернинг яхшиликка ёки ёмонликка юз буриши бизнинг яхши ёки ёмон бўлишимизга боғлиқ. Айни мана шу жойда севги кучи иш беради, зеро, севсанг яхши бўлишга интиласан.

— Хўш, мендан нима истайсан?

— Шамолга айланишимга ёрдам бер.

— Табиатга аёнки, оламда мендан-да доно ҳеч ким йўқ, — жавоб қилди Қуёш— бироқ мен ҳам сенинг қандай қилиб шамолга айланишингни билмайман.

— Энди мен кимга мурожаат қилай?

Қуёш бир зум ўйланиб қолди: суҳбатни эшитган шамол дарҳол бутун дунёга олам чироғининг донолиги чегарасиз эмас экан, дея хабар тарқатади. Қолаверса, Олам Тилида гапириб турган бу бўзболадан ҳам қочиш ақлдан эмас.

— Ёрдамни Ҳаммасини Битган Қўлдан сўраб кўр, — деди Қуёш.

Шамол шодон қийқирди ва беҳад куч билан эса бошлади. Бир неча чодирлар қулаб тушди, қозиққа боғланган отлар юганини узди, қоядаги одамлар учиб тушиб кетмаслик учун бир-бирларига қапишиб олишди.

Сантяго Ҳаммасини Битган Қўлга ўгирилди ва шу дамдаёқ Олам сукутга чўмди. У жимликни бузишга журъат этолмади.

Кейин Севги кучи унинг юрагидан тошди ва бўзбола ибодатга киришди. У ибодатида ҳеч нарса тиланмади, бирор-бир сўз демади, қўйлари яйловли бўлгани учун шукрона айтмади ҳам, биллур дўконига кўпроқ харидор келишини-ю, ўзи сахрода учратган қиз уни кутишини ҳам ўтиниб сўрамади. Атрофга чўккан жимликда у Қўл томонидан киритилган белгиларни сахро, шамол ва қуёш ҳам қидираётганини тушунди. Бўзбола бу белгилар бутун Ер юзи ва коинотга тарқалиб кетганини тушунди ва сиртдан қараганда уларнинг ҳеч қандай аҳамиятли жиҳати йўқлигини англади. На сахро, на шамоллар ва на одамлар уларнинг нима мақсадда яратилганини билишмайди. Фақат Ҳаммасини Яратган Қўлнинг бунга алоқаси бор ва фақат У мўъжиза яратишга: океанларни сахроларга, одамни — шамолга айлантиришга қодир. Зеро, Унинг ёлғиз ўзи Олам олти кунлик Ижод жараёнида Буюк Ижод маҳсулига айланишини тушунарди.

Бўзбола Олам Қалбига уйғунлашди ва кўрдики, Олам Қалби — Тангри Қалбининг бир бўлаги, холос, Тангри Қалби эса унинг ўзининг қалби. Ва, демак, у мўъжизалар яратишга қодир.

Ўша куни самум ҳар қачонгидан-да кучли эсди. Шамолга айланган бўзбола ва бу шамолнинг бутун қўналғани ер билан яксон қилгудай қутуриб, кимсан қабила бошлиғининг ўзини майдонга чорлагани ҳақидаги ривоят авлоддан авлодга ўтиб юради.

Шамол тингач, ҳамма бўз бола турган жойга қаради, бироқ у йўқ эди. У қўналғанинг нариги бошида, ярми қумга кўмилган қўриқчининг ёнида ўтирарди.

Сеҳрли Куч ҳаммани қўрқитди. Фақат икки киши кулди: шогирдидан кўнгли тўлган Алкимёгар ва қабила бошлиғи — у бўзболанинг Тангри таоло қудратини англаганини тушунди.

Эртаси куни у Сантяго билан Алкимёгарни тўрт тарафларинг очиқ, дея қўйиб юборди, уларни кузатиб қўйиш учун жангчиларидан бирини қўшди.

Аҳмад ОТАБОЕВ таржимаси

(Давоми бор.)

Bunda parlamentga (prezidentlikka ham) saylovlar qizg'in kurashlardan iborat bo'lib, siyosiy plyuralizm (fikrlar xilma-xilligi) kuchayadi.

Mulohaza

ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ СИЁСИЙ БЎҒИНИ

Давлатнинг асосий субъектларидан бири сиёсий институтлардир. Ҳар бир давлатнинг ўз сиёсий тизими мавжуд. Жамият сиёсий тизимининг асосий элементи бу сиёсий партиялардир. Ҳозирги пайтда демократик давлатлар сиёсий партияларсиз ўз фаолиятини юрита олмайди.

Сиёсий партиялар таниқли сиёсатшунос олим М.Вебернинг фикрича: "Партиялар аъзоликка қабул қилишнинг ихтиёрийлигига асосланган, ўз олдига фаол аъзоларнинг моддий фойда ёки шахсий имтиёзлар олиши учун маънавий ва моддий шароитлар яратиш ҳамда ўз раҳбарияти учун сиёсий ҳокимиятини эгаллаш мақсадини қўйган жамоат ташкилотларидир". Немис олими В.Хасбахнинг фикрича эса: "Партия бир хил сиёсий қарашлар ва мақсадларга эга бўлган, ўз шахсий манфаатларини қондириш мақсадларида сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилаётган кишиларнинг иттифоқидир".

Аслида, партия лотинча "pars" сўзидан олинган бўлиб, "қисм", деган маънони англатади. Сиёсий партия, жамиятнинг бир сиёсий фаол қисми бўлиб, жамиятнинг, яъни, ўз аъзоларининг манфаатларини кўзловчи ўз дастурларини давлат сиёсати даражасига кўтаришга ҳаракат қилади.

Сиёсатни инсон организмидаги жўш ураётган қон, сиёсий партияни эса қон оқувчи томирлар деб таърифласак, муболаға бўлмайди. Чунки, сиёсий партия демократик давлатнинг ажралмас бир қисмидир. Усиз демократик давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Сиёсий партия давлат ва жамиятлар ўртасидаги воситадир. Чунки, халқ сиёсий партиялар орқали ўз фикрини ифода этади. Шундай қилиб, сиёсий партия — жамиятнинг фаол, онгли, ташкилий бир қисми бўлиб, шу қисм манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Ҳар бир партия ўзининг маълум сиёсий ҳаракатлари, мақсадлари ва дастурлари орқали сиёсий саҳнага киради. Партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад, вазифалари у рўйхатдан ўтган давлат қонунчилигига зид бўлмаслиги лозим.

Баъзи бир давлатларда ҳар бир партия ўз фаолиятини бошлашдан олдин давлат рўйхатидан ўтади. Айрим давлатларда эса рўйхатдан ўтиш мажбурий эмас. Партияларнинг давлат рўйхатидан ўтиши шу давлат қонунчилигида назарда тутилган давлат органи (масалан, Адлия вазирлиги) томонидан амалга оширилади.

Давлатнинг асосий қонуни — Конституциядан ташқари сиёсий партиялар тўғрисида кўпгина давлатларда алоҳида қонунлар қабул қилинган. Шундай қонунлар 1967 йилда ГФРда, 1975 йилда Португалия ва Австралияда ҳам қабул қилинган. Улардан ташқари кўпгина ғарб давлатларида партияларнинг молиявий таъминоти (Финляндияда 1969 йил, АҚШда 1973 йил) тўғрисида ҳам алоҳида қонунлар мавжуд. Шу каби қонунларнинг кўпчилигида партияларнинг молиявий таъминоти давлат бюджетидан деб зикр этилган. Унга кўра сайлов давомидаги партияларнинг барча сарф-харажатлари давлат бюджетидан қопланади. Унга мувофиқ сайловда қанча сайловчи овоз берган бўлса, ҳар бир сайловчи ҳисобига маълум сумма тўланади.

Партияларнинг фаолияти нафақат давлат томонидан қабул қилинган қонунлар ҳамда қонун ости актлари орқали тартибга солинади, балки ўзларининг низомларига асосан ҳам фаолият кўрсатади. Ҳар бир сиёсий партия бошқа партиялардан ўз низомлари билан бир-биридан фарқ қила олиши, мақсад ва вазифалари бир-бирини такрорламаслиги шарт. Акс ҳолда улар ўртасида қизғин баҳслар бўлмайди. Зеро, жамият ривожланиши партиялар ўртасидаги қизғин кураш мевасидир. Ҳар бир партиянинг ўз мақсад ва вазифалари бўлар экан, уларнинг асосий мақсади фуқаро манфаатини биринчи ўринга қўйиб, ўз гуруҳи манфаатларини бирлаштириб, ҳокимиятни эгаллаш ҳамда фуқароларнинг эртанги фаровон ҳаётини кўзлашдир. Биз юқорида таъкидлаган ҳокимиятни эгаллаш вазифаси деганда, албатта, демократик тамойилларга асосланиб, мавжуд конституциявий тузумга қарши чиқмасдан давлатнинг меъёрий фаолиятига тўсқинлик қилмайдиган вазифани тушунамиз. Шунинг учун ҳам демократияга бевосита асосланган барча давлатларнинг партиялар тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларида терроризм, диний экстремизмга асосланган партиялар фаолияти таъқиқланади.

Жамиятда фаолият юритаётган партияларнинг сонига қараб, давлатнинг партиявий тизими аниқланади. Фанда асосан уч тоифадаги партиявий тизим мавжуд: монопартиявий (бир партиявий), бипартизм (икки партиявий) ҳамда кўппартиявий тизим. Лекин айрим давлатлар ҳам борки, унда бирорта партия ҳам мавжуд эмас.

Монопартиявий тизим, яъни, бир партияли тизим аслида авторитар ҳамда тоталитар жамиятларга хос бўлиб, унда мавжуд партия бутун ҳокимиятни ўз қўлига олиб, жамиятга ўз тазйиқини ўтказади. Унда ғайридемократик тамойиллар мавжуд бўлади. Ушбу партияларга фуқаролар мажбурият юзасидан аъзо бўлади (масалан, собиқ КПСС). Бу каби партиялар жамиятда ҳарбий тўнтариш, революция каби ҳодисалардан сўнг пайдо бўлади.

Бипартизм, яъни икки партияли тизим шартли атама бўлиб, биронбир давлат конституциясида ёки алоҳида қонунларида белгиланмаган. Бу шундай тизимки, жамиятда бир неча партиялар мавжуд бўлади, лекин иккита партиянинг мавқеи баланд бўлиб, навбатма-навбат ҳокимиятни бошқаради. Бипартизм бўлган давлатларда сайлов сарф-харажатлари кам бўлади. Бу тизимда сайлов натижаларида кўп овоз олган партия ҳокимият тепасида бўлиб, иккинчиси эса мухолифат (оппозиция)да бўлади. Бу тизим сирасига Буюк Британия, Австралия ва АҚШ каби давлатларни қўшиш мумкин, масалан, АҚШда демократлар ва республикачилар партияси мавжуд бўлиб, унда бир партиядан президент сайланса, иккинчиси парламентда кўпчиликни ташкил этади.

Кўп партиявийлик тизимида иккитадан кўп сиёсий партия жамиятда фаолият юритади. Кўп партиявий тизим Франция, Россия, Нидерландия, ГФР, Япония, Голландия, Италия ва бошқа мамлакатларда мавжуд. (Маълумот учун: жамиятда энг кўп партиялар фаолият кўрсатаётган давлат — Боливиядир. Унда ҳозирги кунда рўйхатдан ўтган 323 партия ва 1690233 сайловчи бор. Яъни, бир партияга 5242 сайловчи тўғри келади.) Кўп партиявийлик тизимининг аҳамиятли томони шундаки, бунда бир ёки иккита синф манфаатлари эмас, балки турли қатлам манфаатлари кўзланади. Бунда парламентга (президентликка ҳам) сайловлар қизғин курашлардан иборат бўлиб, сиёсий плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги) кучаяди. Жаҳон тажрибасидан хулоса қилиб, айтишимиз мумкинки, кўппартиявийлик — жамиятнинг демократик тамойилларга асосланган ҳолда ривожланишининг қулай йўлидир.

Агар жамиятда ўнлаб партиялар фаолият юритса, улар сайлов даврида уч-тўрт блокка бўлиниши мумкин. Ҳозирги вақтда дунёнинг 20 га яқин мамлакатларида бирорта ҳам партия фаолият юритмайди. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин, бундай мамлакатлар тарихида партиялар умуман бўлмаган (Саудия Арабистони, БАА, Омон, Нигер ва бошқалар), ёки бўлгани зўравонлик оқибатида ёпилган (Иордания, Гана, Гвинея). Агар мантиқан фикр юритсак, юқорида санаб ўтилган давлатларда партиялар бўлмас экан, бу мамлакатларда демократия ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири — демократияга асосланган сиёсий плюрализмни ташкил этишдир. Бунда асосий ролни сиёсий партиялар ўйнайди. Сиёсий плюрализм бўлиши учун жамиятда кўппартиявийлик тизими мавжуд бўлмоғи даркор.

Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни шуниси билан ҳам аҳамиятлики, бу жамиятда биринчи ўринга фуқаро манфаати қўйилар экан, ҳар бир сиёсий партия фуқароларнинг маълум бир қисми манфаатларини бирлаштириб, халқнинг фаровон ҳаёти учун ўз дастурларини ишлаб чиқиб, давлат томонидан ҳавола этилаётган меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишида бевосита қатнашади. Сиёсий партиялар ҳокимиятни бошқаришда ўз мавқеига эга бўлиш учун реал дастурлари билан сайловларда қатнашиб, кўпроқ сайловчиларга эга бўлиши керак. Бунинг учун сиёсий партиялардан катта масъулият талаб қилинади. Унинг олдига қўйган вазифалари қоғозда қолиб кетмасдан, балки ҳаётга жорий қилиниши керак.

Тўлқин НАБИЕВ,
Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети 5-курс талабаси

САДДАМ УЧУН 25 МИЛЛИОН ДОЛЛАР



Ироқдаги фуқаролик маъмурияти раҳбари Пол Бремер собиқ президент Саддам Ҳусайнни ҳибсга олишга кўмаклашган ёки унинг ўлганлигини тасдиқловчи ишонарли маълумотлар берган кишига 25 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофот берилишини маълум қилди. Шунингдек, унинг ўғиллари Удей ва Кусейлар учун эса 15 миллион доллардан пул берилади. Баҳоси 1-рақамли террорчи Усама бин Лоден билан тенглаштирилган Саддам Ҳусайнни одамлар сўнгги бор 9 апрель куни кўрганлар. Разведка маълумотлари асосида эса у қўним топган иккита объектга АҚШнинг бомбардимончи самолётлари томонидан ҳужум уюштирилган эди. Лекин, бугунга келиб унинг на тириклиги, на ўлганлиги аён. Вашингтоннинг бундай катта миқдорда мукофот эълон қилиши эса яшириниб юрган собиқ президент тарафдорларининг Саддам Ҳусайндан умидларини узишлари учун хизмат қилади, дея хабар беради "Рейтер" ахборот агентлиги.

ИМПЕРАТОРГА СУИҚАСД

"Kyodo News" агентлигининг хабар беришича, Хоккайдо оролида 69 ёшли Япония императори Акихитога суиқасд уюштирилган. Маълум бўлишича, император ва унинг рафиқаси Митико хонимлар кетаётган автомобиллар кортежига тўсатдан бегона машина келиб урилишга ҳаракат қилган. Аммо, полиция хизматининг саъй-ҳаракати туфайли император ўтирган "Лимузин" автомобилига зарар етмаган. Япония вазирлар маҳкамаси бош котиби Ясуо Фукуданинг айтишича, авария кортежни бўлиб ташлаш учун қасддан амалга оширилган. Ҳозирда ёвуз ниятли автомобил ҳайдовчиси, яъни 35 ёшли шахс ҳибсга олиниб, сўроқ қилинмоқда. Мамлакат рамзи ва миллат бирлиги саналган императорга нисбатан авваллари бундай тажовуз уюштирилмаган эди.



МАҚСАД ОШКОР ЭТИЛДИ

АҚШнинг нефть саноатидаги гигант компанияларидан бири бўлган "Halliburton" билан шартнома имзолаган поляк фирмалари олдида чиқиш қилган Польша ташқи ишлар вазири Влодзимирж Тимошевич Варшаванинг бундан кўзлаган мақсади Ироқ нефть заҳираларига кириб боришдир, дея ошкор айтди. "Halliburton" компанияси эса Ироқдаги тикланиш жараёнлари доирасида тузилган кўплаб шартномаларда ютиб чиққан эди. Бугун маъмурий жиҳатдан учга бўлиниб, вақтинчалик бошқариладиган Ироқнинг бир қисмига Варшава бошчилик қилади. Сентябрь ойига бориб 15 та давлат вакилларидан иборат қарийб 10 минг кишилик халқаро контингентга Польшанинг қўмондонлик қилиши кутилмоқда. Ўтган чоршанба куни эса 250 нафар поляк аскарлари Ироққа келтирилган эди, дея хабар беради "BBC News".

СИАМ ЭГИЗАКЛАРИ ОПЕРАЦИЯ СТОЛИДА

Эртага Сингапур шифокорлари 29 ёшли эронлик сиам эгизакларини операция қилиб, бир-биридан алоҳида, мустақил яшашларига имкон яратадилар. Ўта таваккалчилик билан қўл урилаётган операция камида 48 соат давом этиши, унда нейрохирург Кейт Го бошчилигидаги 24 нафар шифокор ҳамда 100 нафар ҳамшира иштирок этиши кутилмоқда. Шифокор Го опасингиллар Ладан ва Лалехларнинг операцияси вақтида ҳар қандай ҳолат бўлиши, иккисидан қайси биридир ёки иккиси ҳам ҳаётдан кўз юмиши ёки аксинча, операция муваффақиятли кечиши мумкинлигини ҳам огоҳлантирди.

Операцияда АҚШ, Япония, Швейцария, Франция мутахассислари ҳам иштирок этадилар.

"Интернет" хабарлари асосида Беҳруза КАРИМБЕКОВА тайёрлади

Baxtli ona bo'lishni orzu qilgan har bir ayol esa, BMTning Aholishunoslik jamg'armasi vakolatxonasi homiyligida bosmadan chiqqan «Baxtli ona bo'ling» risolasini o'qib chiqsa, o'zi uchun ham, jamiyat va kelajak uchun ham faqat foyda bo'ladi.



СОЛИҚ, БУХГАЛТЕРИЯ, САРМОЯ ВА БОШҚАЛАР ХУСУСИДА

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг етук олимлари Ортиқбой Бобожонов ва Каримбой Жуманиёзовлар томонидан ёзилган "Молия ҳисоби" китобининг чоп қилиниши айни муддао бўлди. Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида тайёрланган бўлиб, бухгалтерия ҳисобининг халқаро (IAS), Америка (GAAP) ва миллий (БҲМС) стандартларига асосан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган иккинчи нашрдир.

Қўлланма молия-бухгалтерия ҳисоби турига бағишланган бўлиб, уни таҳлил қилиш, юритиш, ҳисоб сиёсатини ўрнатиш бўйича ўзбек тилида янги миллий дастур ва меъёрларга асосланган ҳолда ёзилган. Мазкур ўқув қўлланмаси олий маълумотли бухгалтерлар, аудиторлар, иқтисодчи экспертлар, молия ва солиқ тизими ходимларини тайёрлаш, малакасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Унда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, ҳар бир жараён бўйича иқтисодий иш юритишнинг тартиб-қоидалари алоҳида ёритилган, воқелик ва мисоллар билан яна ҳам мукаммаллаштирилган. Қўлланмада ҳисоблаш муаммоси, ресурс, активлар, инвестиция, мажбуриятлар ҳисоби, ҳисобот тузиш ва тақдим қилиш тартиб-қоидаларига, ҳозирги замон халқаро стандартларига алоҳида эътибор берилган.

Муаллифларнинг энг муҳим ютуқларидан яна бири шундаки, қўлланмада солиқлар, уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муаммоларининг ҳисоби, субъектларнинг хусусий капитали, фойдаси ва заҳиралари, давлат корхоналарининг мулкчилик шаклини ўзгартириш тартиби ва унинг натижаларини ҳисобга олиш, ҳисобот, унинг турлари, тартиби, тузиш ва тақдим қилиш тартиботларини ҳам чуқур таҳлил қилганлар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларининг кундан-кунга чуқурлашиб бориши, хорижий сармояларнинг кириб келиши, дунёнинг йирик молия институтлари қатори Шарқий Европа, Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, молия бозорини кучайтириш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий сармояни қўллаб-қувватлаш ҳамда инфратузилмани такомиллаштиришда катта ўрин тутиши энг долзарб бўлиб турган бир пайтда ушбу китоб қимматли ва зарурий қўлланма бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Нуриддин ЖЎРАЕВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор,
Расул ХОЛБЕКОВ,
иқтисод фанлари номзоди,
Турсунбой СУЛТОНОВ,
фалсафа фанлари номзоди

КИЧКИНТОЙЛАРГА КАТТА СОВҒА

Педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева ва Ситорахон Раҳмонбековалар томонидан яратилган «Кичкинтойлар алифбоси» ўқув қўлланмаси «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди.



Ушбу қўлланма асосан болаларнинг нутқини ўстириш, луғатини бойитиш, тафаккур қилиш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган. Расмларда миллатимиз руҳияти, ўлкамиз табиати, ҳайвонот дунёси, ўсимликлар, халқимизнинг меҳнати, бунёдкорлик ишлари қизиқарли тарзда ифодаланган. Унда ўйин фаолияти, болалик қувончлари, қўшиқ айтиш, расм чизиш, спорт билан шуғулланиш, сайр-саёҳатлар қилиш завқи, фасллар, улардаги ўзгаришлар, оила муҳити, халқимизнинг бой анъаналари, урф-одатлари, одоб-ахлоқ маданиятини ўзлаштиришга ундовчи расмлар, матнлар, мақоллар берилган. Муаллифлар кичкинтойларни секин-аста ўқишга, ёзишга ўргатиш усулларини ушбу қўлланмада татбиқ этиб, аввал бўғин, сўнг сўз, гаплар асосида болаларга хат-савод ўргатишни мақсад қилганлар.

XXI аср болалари учун мўлжалланган ушбу қўлланмада бой тарихий меросимиз, инсон шахсининг баркамол бўлиб улғайишига асос бўла оладиган ғоялар ўз ифодасини топган.

Ўқув қўлланмада бола томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган фанларни ҳозирданоқ интеграция усулида ўрганишига мослашган матнлар, савол ва топшириқлар берилганки, болалар уни аста-секин қизиқиш билан билиб оладилар ва ҳам назарий, ҳам амалий равишда ўрганадилар. Жумладан, катталарга ҳурмат, иззатни жойига қўйиш маъносида «Бувижоним», «Онамга», «Она тилим», «Фойдали насиҳатлар», «Алишер Навоий», «Оқшом» матнлари содда тилда, бола учун тушунарли ва қизиқарли тарзда тузилган. Шунингдек, болаларни кичик ёшдан меҳнат малакаларини эгаллашга ундаш маъносида «Тартибли бола», «Чевар қиз», «Ким нима қилаяпти?», «Челакча», «Пилла» каби матнлар, шеърлар берилган.

Насиба ЭРХОНОВА

ДОИМО СОҒЛОМ БЎЛИНГ!

Элу халқи, фарзандлари соғлом юртнинг келажаги ёруғ бўлади. Омонлик бор жойда тотувлик, тотувлик бор жойда юксаклик, тараққиёт бўлади. Ватан тараққиёти, унинг келажаги йўлида қилинган ҳар бир иш эзгуликдир.

Яқинда Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида «Соғлом она — соғлом бола» туркумида чоп этилган «Ўсмирлик даври ҳақида», «Азиз келин-куёвларга», «Бахтли она бўлинг» рисолаларини ўқисангиз, ана шундай эзгу ишга қўл урилганлигига амин бўласиз.

Маълумки, балоғатга етиш даври ўзига хос психологик ҳамда физиологик ўзгаришлари билан ўсмирлар учун ҳаяжонли давр ҳисобланади. Бу давр мобайнида ўсмир фарзандлари ҳаётида ота-оналарнинг қатнашишлари, уларга мадад бўлишлари муҳим аҳамият касб этади. «Соғлом авлод учун» ва «Ибн Сино» жамғармалари ҳомийлигида чоп этилган «Ўсмирлик даври ҳақида» қўлланмаси ота-оналарнинг ўз фарзандларини тўғри тарбиялаш ва камолга етказишларидаги айрим машаққатларини бартараф этиб, уларга кўмакчи восита бўлиши шубҳасиз.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳомийлигида, оила қуриш бўсағасида турган келин-куёвларга эслатма сифатида чоп этилган «Азиз келин-куёвларга» деб номланган қўлланма эса, йигит-қизларнинг оила қуришдаги дастлабки қадамларида юзага келиши мумкин бўлган саволларга ечим топишларида қўл келиши аниқ.

Оналик бахти! Ҳар бир оила учун шараф ва масъулият. Висол онига етиб, чимилдиққа кирган ҳар бир қиз, ҳар бир йигит соғлом ва баркамол фарзанд кўриш, она ва ота бўлишни орзу қилади. Оналик ва оталикнинг ширин туйғусидан баҳраманд бўлмоқ учун келин ва куёв ҳам жисмонан, ҳам руҳий ва физиологик жиҳатдан соғлом бўлишлари лозим.

Бахтли она бўлишни орзу қилган ҳар бир аёл эса, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ваколатхонаси ҳомийлигида босмадан чиққан «Бахтли она бўлинг» рисоласини ўқиб чиқса, ўзи учун ҳам, жамият ва келажак учун ҳам фақат фойда бўлади. Зеро, «Бахтли она бўлинг» қўлланма ва йилнома бўлиб, ундан туғруқдан олдин, туғиш пайтида ва туғруқдан кейин ҳам фойдаланиш мумкин.

Сўзимиз якунида барчабарчага доимо соғлом бўлиш бахти насиб этсин, деймиз.

Элмурод НИШОНОВ

"КЎНҒЛИМ МЕНИНГ"

ҳам таъсир қилиши қийин. Агар таъсир қилса, уни кўнгилдан чиқариб ташлаб бўпсиз — у на кечаси, на кундузи тинчлик беради. Шеърий жумлаларга, оташин мисраларга айланмагунча оромингиз йўқолади, ҳаловат топмайсиз.

Жалолиддин Ҳасанбоевга тинчлик бермаган туйғулари шеъру ғазалларга айланиб, мазкур тўпламга жойланди.

"Кўнглим менинг" шоирнинг биринчи китоби эмас. Бунгача у "Ҳаёт нашидаси" (2001), "Сирли дунё" (2002) шеърий тўпламларини шеърхонлар ҳукмига ҳавола этган. Яқинда нашрдан чиққан "Кўнглим менинг" шоирнинг аввалги китобларида қаламга олинган мавзуларнинг мантиқий ривожи, десак ҳам муболаға бўлмайди. Хуллас, бу тўплам бизга маъқул бўлди. Ўйлаймизки, у сизгаям манзур бўлади.

Эй кўнглим, тўкилар бўлсанг гар,
Тўкил, ўз бағримга бўлгин дард.
Тўкилгил тошганда ёғамлар,
Тупроғинг қабоққа бўлсин гард.

Бу — шоир Жалолиддин Ҳасанбоевнинг кўнгил битиклари.

Ҳа, кўнгил дегани ғоятда нозик, ғоятда инжиқки, унга ҳар қандай нарсанинг

Элмурод МАҲМАРАЙИМ ўғли

«БАХТИНГДАН ОЧАЙМУ»...

Фол— тожикча-форсча сўздан олинган бўлиб, олдиндан айтиш, топиш, ром — кишилар тақдирини, келажак ва номаълум воқеа-ҳодисаларни олдиндан айтиб беришнинг ҳар хил усуллари, борлиқ, олам билан боғлиқ масалаларнинг, ҳодиса ва воқеаларнинг рўй бериши ва сабабининг бирор субъект орқали ёхуд ҳаётий эҳтиёж зарурияти билан кишилар томонидан ўйлаб топилган турли ҳолатлар ёрдамида аён бўлишидир.

"Бахтингдан очайму..." рисоласида асосан фол, фол очишнинг негизида нималар туриши, фол илмининг пайдо бўлиши каби бир қатор масалалар очиб берилган. Ушбу рисола Дилфуза Бегимдан ёдгорлик. У ҳаётдан жуда ёш кетди. Буни ўзи аввалдан сезарканми, қисқа умри давомида ёниб яшади, шошиб яшади. У ўз рисоласининг ниҳоясига "фолбинлик ҳам ғаройиб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у ўзида ҳақиқатнинг синиқ парчаларини жо этган. Шунинг учун ҳам унга қизиқиш катта, дейди. Дилфуза Бегимнинг ҳам "Тақдир" номли шеърий тўплами ҳамда "Бахтингдан очайму..." рисоласи уни мангуликка дахлдор этади.

Ижтимоий-оммабоп нашрга Мунаввар Пардаев муҳаррирлик қилган.

Санжар ТУРСУНХЎЖАЕВ

"ЁМҒИР ТОВУШИ"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти истеъдодли шоира Озода Тўрақулованинг "Ёмғир товуши" китобини босмадан чиқарди. Ушбу мўъжаз китобчадан шоиранинг сўнгги йилларда яратган энг гўзал шеърлари ўрин олган. Айниқса, "Гулманми ҳали ҳам хаёлингизда?", "Кўнглим чирпирак-дур шамолда", "Бахтлар ёғиб бошимга бахтлироқ бўлармидим?", "Синфдошларимга" каби шеърлари ўқувчи қалбини эзгу ҳисларга ошно этади. Озоданинг "Болалик", "Армон" туркумларига жамланган шеърлари ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Китобчадан шунингдек, "Ойзода ва Ахтар" номли достон ҳам ўрин олган.

Озоданинг шеърлари сумбула сувларидек мусаффо, туйғулари тоза, хаёллари ҳам кўнглидек озода кўринади. У майсалардан оҳанг олади. Бўзтўрғайдан савт ўрганади. Ёмғирдан эса титроқ.

Китобчага Рустам Мусурмон муҳаррирлик қилган.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ЮГУРГАННИНГ ЮРАГИ БАҚУВВАТ

Термиз шаҳрида "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёшлар XXI асрга гиёҳванд моддаларсиз" шиори остида югуриш мусобақалари ўтказилди. Вилоятнинг ҳар бир туманидан ташриф буюрган ёш спортчилар 10 километрлик масофага югуриш борасида ким эпчилу ким чаққон эканлигини синовдан ўтказишди. Қувончли томони байрамона руҳда ўтган мусобақаларда 4000 дан зиёд ёшлар иштирок этишди. Унда маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлардан ташқари, турли корхона, ташкилотларда хизмат қилаётганларнинг ҳам қатнашганлари таҳсинга лойиқ.

Дарвоқе, Термиздаги "Дельфин" сузиш мажуасида ҳам 100 нафар ёш спортчи иштирокида сузиш мусобақалари уюштирилди. Ёш сузувчилар аввалига 50 метрга, кейин 100 метрга сузиш бўйича ҳакамлар ҳайъатига ўз маҳоратларини намойиш этишди. Қизлар ва эркаклар ўртасида ташкиллаштирилган турнир якунида эса ғолибларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Кеча Таиланднинг Бангкок шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати бошланди. Унда дунёнинг энг кучли давлатлари жамоалари билан биргаликда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. 13 июлга қадар давом этадиган чемпионатда бош мураббий Темур Ғуломов етакчилигидаги ҳамюртларимиз 11 та вазн тоифасида рингга чиқадилар. Умид қиламизки, энг кучли чарм қўлқоп усталаримиздан О.Мамажонов, Т.Дониёров, Б.Султонов, Б.Хидиров, Д.Маҳмудов, Б.Сарсикбоев, Ш.Ҳусанов, Ў.Ҳайдаров, И. Бердиев, С.Михайлов ва Р.Саидовлар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

КОРТДА ЁШ ТЕННИСЧИЛАР

Қорақалпоғистоннинг Манғит шаҳрида 1986-88, 1989-91 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида катта теннис мусобақаси бўлиб ўтди. Обод маҳалла йили доирасида ташкил этилган мусобақада "Дўстлик" маҳалласи вакили Элбек Матёқубов, бойовуллик Фарҳод Оллаберганов ғолиб деб топилдилар. "Чордара" маҳалласи вакили Шуҳрат Ёразимбетов "Энг иқтидорли ёш ракеткачи" номига сазовор бўлди. Ғолиблар "Маҳалла" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати совринлари билан мукофотландилар.

«ПАХТАКОР» ФИНАЛДА

Футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги ярим финал баҳсларининг такрорий учрашувлари пойтахтимизнинг бош жамоаси учун омадли якунланди. Тошкентда "Сурхон" жамоаси билан куч синашган "Пахтакор" ўз ишқибозларига ҳужумкор, тезкор ва комбинацион ўйин намойиш этиб, 7:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Дастлабки учрашувда 1:2 ҳисобида "Сурхон"дан енгилган тошкентлик футболчилар энди финалда ўйнашади. Рақиблар дарвозаларига голларни Тожиев (3 та), Бикмаев (2 та), Қосимов ва Солиев ("Пахтакор"), Ҳасанов ("Сурхон") йўллашди. Қаршида "Насаф" – "Навбаҳор" ўртасида ўтказилган такрорий беллашув (3:1) ҳисобида якунланди.

ҲАМШАҲАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Қирғизистоннинг Чўлпон - ота шаҳридаги Иссиққўлда бўлиб ўтган ёзги биатлон бўйича биринчи Осиё чемпионатида 30 дан зиёд спортчилар қатнашди. Мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси умумий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади.

Шахсий ҳисобда Ўзбекистон шарафини икки самарқандлик спортчилар ҳимоя қилиб, уч олтин ва уч кумуш медаль соҳиби бўлишди.

Хусусан, Темирйўл туманидаги 43-мактаб ўқувчиси, «Ёшлик» кўнгилли спорт жамоаси аъзоси Руслан Носиров 5, 6, 8 километрлик масофаларни рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай биринчи бўлиб босиб ўтиб, олтин медаль соҳиби бўлди.

Самарқанд кооператив институтининг иқтисод факультети талабаси Эвилина Мамедова эса учта кумуш медаль соҳиби бўлди.

Чемпион ва совриндор спортчиларимиз Осиё конфедерациясининг қимматбаҳо совринлари ва олтин, кумуш медаллари билан тақдирландилар. Энди улар Италияда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашадилар.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ЛЬЮИС — КЛИЧКО: ТАКРОР УЧРАШУВ

21 июнь куни англиялик профессионал боксчи Леннокс Льюис 56-58 очко билан украиналик Виталий Кличкога имкониятни бой бераётган вақтида техник нокаут билан ғалабага эришган эди. Боиси, учинчи раундда Виталий чап қошининг устидан жиддий жароҳат олиши 6-раунддан сўнг шифокор томонидан қўйилган талабга асосланиб, жангнинг тўхтатилишига сабаб бўлган ва шу тариқа Льюис чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолганди. Тўғридан-тўғри эфирга узатилган айнан шу жангни дунё бўйича 13,5 миллион киши томоша қилганди. Куни кеча эса уларнинг 6 декабрь куни такрорий учрашишлари маълум бўлди. Ҳозирда эса томонлар вакиллари жанг бўйича музокараларга киришганлар. Льюиснинг айтишича, Рой Жонсга қарши рингга чиқишдан кўра, Кличко билан қайта кўришиш афзалроқ. Шунинг учун такрорий учрашувга розилик билдирган. Лекин, жанг олдидан Кличко Льюис шифокор кўригидан ўтишини талаб этмоқда.

Лекин, Кличко унинг таклифини қабул қилган эса-да, бироқ Льюиснинг шифокори кўригидан эмас, аксинча мустақил шифокор назоратидан ўтишга розилигини билдирган. Биринчи жангдан сўнг Кличкога муолажа кўрсатган шифокорлар эса унинг 6 ой давомида рингга чиқмаслигини тавсия этган эдилар.

БЕКХЭМНИНГ "РЕАЛ"ДАГИ ИЛК РЕКОРДИ

1 июлдан бошлаб Мадриднинг "Реал" клуби аъзоси ҳисобланган англиялик Дэвид Бекхэм 23-рақам остида ҳаракатланадиган бўлди. "Реал" афсонасига айланган, ўтган асрнинг 50-60 йилларида клубнинг энг кучли ўйинчиси саналган аргентиналик Альфредо ди Стефано ўзининг 23-рақам остидаги футболкасини Бекхэмга тақдим этди. Айнан шу куннинг ўзида Бекхэм фамилияси ва 23 рақами ёзилган 8 минг дона футболка мухлислар томонидан сотиб олинди ва бу борада Дэвид янги рекорд ўрнатди. Боиси, Роналдо келганининг биринчи куни унинг фамилияси остида 2 минг, Зидан келганида эса 300 дона футболкалар сотилган эди.

Бутун бир ҳаётини футболга бағишлаган 28 ёшли Бекхэм "Реал"га ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга ваъда берди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

2003-2004 ўқув йили учун Давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида бакалавриат ва магистратура таълим йўналишлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бакалавриат бўйича қуйидаги йўналишларга:

5140900 Касб таълими (кундузги ва сиртқи)
5620200 Агрономия
5720500 Фармация
5522900 Биотехнология
5720700 Саноат фармацияси (кундузги ва сиртқи)

Ўқишга кириш истагида бўлган фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- Ректор номига ўқиш йўналиши, тури, таълим тили кўрсатилган ариза;
- ўрта ёки ўрта-махсус маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2003 йил 20 июлгача.

Магистратура бўйича қуйидаги мутахассисликларга:

5А522901 Доривор ўсимликлар биотехнологияси
5А522902 Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси

Ўқишга кириш истагидаги бакалавр даражасига эга бўлганлар ва дипломли мутахассислар олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, олий таълим муассасаси ректорининг номига ариза;
- олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;
- 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
- № 086 шаклдаги тиббий маълумотнома.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2003 йил 1 июлдан 30 июлгача.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 56-39-31, 56-37-38.

Тошкент фармацевтика институти манзили: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй, метронинг Ойбек бекати.
Мурожаат учун телефонлар: 56-39-31, 56-37-38. Факс 56-45-04.

U xato qildi. O'zbek ayolining or-nomusi yo'lida jon fido qilishgacha borishini unutdi. Sinfdoshlarning har oyda bir yoziladigan dasturxonini oyoq osti qildi.

"ЭНДИ МЕНИ КЕЧИРМАЙСИЗЛАР"

Ma'rifatsiz kishilar

Болаликнинг беғубор дамларини эслаб, бир-бирига ҳазил қилаётган йигитларнинг қаҳ-қаҳасидан чўчиган қишлоқ итлари тинмай вовуллайди. Тун ярмидан ошиб қолган бўлса ҳам синфдошларнинг гурунги тугамайди. "Эсингдами, Собир, тил-адабиёт ўқитувчимизнинг дарсида бўлган воқеа?" Асаднинг саволи жавобсиз қолди. Ҳамма кечикиб келган Аслиддинга қараб чалғиганди. Аслиддин узр сўраб кўрпачага чўккалади. Синфдошларига разм солар экан, кечагина чопиб юрган болалар энди кап-катта эркак бўлиб қолганлигини ҳис этди. Ҳамма оилали. У кетма-кет сузилаётган қадаҳларни кўтарарди. Бир оздан сўнг кайфи оша бошлади. Боягина кўзига қадрдон кўринган синфдошларининг бири гердайган, бири олифта, бири майнавозчидек туюларди. Ўзини чалғитиш учун секингина гаштакхонадан чиқди. Сигарет чеккиси келди. "Негадир юрагим ғаш, нега очилиб-сочилиб ўтиролмаяпан?Улардек қаҳ-қаҳ уриб юракдан кулолмаяпман. Ёки кўрган тушим безовта қилаяптими?"

Кўчанинг бошигача бориб, дўкондан бир қути сигарета сотиб олди. Яна ортига қайтди. Оғзидан бурқсиб чиқаётган тутунни пуфлаб, уйга кирди. Оч қоринга ичганлиги учунми ёки кўпчилик ўтирган хонанинг иссиқлиги, ҳар хил овқатларнинг ҳидими, кўнглини айнитди. Баттар ширакайф бўлиб кўзлари сузила бошлади. У келгунча боягина ширин хотираларга берилган синфдошлари энди ғижиллашиб бир-бирини сийлаётган эди. Айниқса, Машраб билан Ўктам турткилашишни бошлаб юборган. У чайқалганча бориб, синфдошларига нимадир деди. Ўзи ҳам эслолмайди. Ажратиб қўймоқчи бўлди. Кимнингдир қўли юзига тегиб кетдими ёки бир тарсаки урдими, фикри тиниқ эмаслигидан аниқ эслолмай қолди.

"Улар мени урди. Аниқ урди. Икковидан биттаси. Асадмиди ёки Собир. Икковидан ҳам аламимни оламан. Бир шармандасини чиқармасам отимни бошқа қўяман". У синфдошлари ўтирган даврани тарк этди. Йўл-йўлакай кайфи тарқаш ўрнига миясини аҳмоқона фикрлар эгаллай бошлаган эди.

"Мени урди-я. Шундай қиламанки, бир ўқ билан икки қуённи овлайман, мени Асли шеп, дейдилар. Ҳали курагим ерга текканича йўқ. Бир айбим ҳарбий гарнизон судида ишим кўрилиб жазоланганимми?

Собир ҳам судланади. Асад шарманда бўлади. Айтганча, нима туш кўрувдим, жанозага бордимми? Ҳамманинг бошида дўппи, меники йўқмиди? Нега бошяланг қолдим-а?

Тушга тўй кирса ёмон. Жаноза бу гаштакка борганим бўлса керак. Дўппи эса Асад билан Собирнинг мени уриб, изза қилиши. Ҳа, шундай қиламанки, қон йиғлайсанлар".

У йўлини Асаднинг уйига қараб бурди.

Ҳали Асад жўраларини оғзига қаратиб ўтиргандир. Улар ҳаливери тарқалишмайди. Шайтоннинг йўриғидан юраётган Аслиддин дарвозани итариб кўрди. Ёпиқ. У деворни айлана-айлана озроқ қулаган жойини топди. Девор ошиб ўтиб ҳовлига мўралади. Ҳамма уйқуда. Айвоннинг лампочкаси бутун ҳовлига ёруғлик бериб турибди. У тез-тез юриб бордида лампочкани уриб синдирди. "Ана энди ҳеч ким танимайди", дея ўз ишидан қониқди. Робия икки боласини ухлатиб, дарвозани илиб, эндигина уйқуга кетган эди. Ароқ ҳиди бурқсиган гавданинг оғирлигини ҳис қилиб, қўрқиб уйғонди.

— Кимсан, ифлос, — деди даҳ-даҳ титраганча.

— Бақирма, мен Қосим аканинг ўғли Собир бўламан. Эринг Асад билан гаштакда бирга эдик. Эринг сени қиморга тикиб, ютқазиб қўйди. Энди сен мен билан бўлишинг керак. Қиморнинг шарти шу. Додингни худога айт.

— Ҳеч қачон, — Робия эпчиллик билан туриб, уйнинг чироғини ёқди. Ёруғда наҳс босиб келган Қосим аканинг ўғли Собир эмас, балки Аслиддин эканлигини таниб қолди.

— Ўв, нега чироқни ёқдинг. Энди ўзингга ёмон бўлади. Мана сенга.

У аёлнинг қорнига бир тепди. Оғриқдан Робия додлаб юборди. Шовқин-сурондан чўчиб уйғонган болалари онасига жўр бўлди. Асад бировга соғинган ёмонлиги ўзига қайтганини, Собирнинг номидан қиламан деган жирканч иши фош бўлганини сезиб, қочиб қолди. У ҳаллослаганча қайнонасиникига кириб кетди. Кайфи тарқаб, қилган қилмиши куракда турмаслигини англади.

Отаётган тонг Аслиддиннинг елкасига бир дунё таъна-маломатларни, қарғишларни ортди. Бу исноддан "ер ёрилсаю, ерга кириб кетсам" деб ўйларди.

У хато қилди. Ўзбек аёлининг ор-номуси йўлида жон фидо қилишгача боришини унутди. Синфдошларнинг ҳар ойда бир ёзиладиган дастурхонини оёқ ости қилди. Қишлоқда бош кўтариб юргулиги қолмади.

Қора курсида ўтириб, ўй сураркан, рўпарасида ҳам ундан нафратланиб, ҳам ачиниб ўтирган синфдошларига термулди. "Нима қилиб қўйдим, жўралар. Мени ҳеч қачон кечиролмайсизлар. Бу доғ ўлсам қабрда ҳам тинч қўймас. Болалигимнинг беғам кунларига шерик дўстларимдан бир умрга айрилдим. Энг оғир жазо шу".

Аслиддин ароқ ичиб қилган қилмишидан пушаймон эди. Яхшиямки, Робия оила шаънини, фарзандлари эртасини ҳимоя қила олди. Милиция ходимларининг кузатувида ҳибсхонанинг махсус машинасига чиқаркан, негадир Аслиддиннинг кўрган туши яна ёдига келди...

Абдурашид ЖЎРАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Ko'ngil bitiklari

УМИДСИЗ БЎЛМАГИН, УМИД-ЛА ЯША

Ҳаёт ташвишидан чекканингда ғам,
Ногаҳон кўзларинг бўлганида нам,
Дунёга сиғмайин қолганингда ҳам,
Умидсиз бўлмагин, умид-ла яша.

Ёлғиз қолганингда қўрқма ҳеч ундан,
Бедор ўтказганинг ё ўша тундан,
Минг чандон бахтлироқ бўларсан бундан,
Умидсиз бўлмагин, умид-ла яша.

Умринг баҳорини босса ҳамки қор,
Нафас олмоқ бўлсанг ҳамки сўнгги бор,
Бир илиқ сўзга ҳам бўлганингда зор,
Умидсиз бўлмагин, умид-ла яша.

Яратган эгамнинг мўъжизаси кўп,
Ширин жон азобда дард чекса ҳам хўп,
Зулматни тарк этиб чиққанлар ҳам кўп,
Умидсиз бўлмагин, умид-ла яша.

Ибодулла ҲАЙИТ,
Тошкент молия институти ўқитувчиси

«ХАРТУМ» КРОССВОРДИ

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



ЭНИГА: 5. Судан давлати пойтахти. 6. Бепоён сув ҳавзаси. 11. Эркин, мустақил мамлакат. 13. Инсоннинг бирор вазифани бажариш қобилияти. 14. Наманган вилоятидаги маъдан сувли шифохона. 18. Молия муассасаси ходими. 20. Маълум бир нарсани олиш ҳақида берилган ҳужжат қоғози. 21. Темурийзода шоир ва ҳукмдор, олим. 22. Бинонинг меъморчиликка хос безаги. 23. Материянинг иш бажара олиш қобилияти, қувват. 27. Қаттиқ металл. 28. "Шашмақом" таркибидаги мақом. 29. Бинокорликда ганчдан нақш солиш. 32. Боксдаги ҳолат. 36. Жануб минтақасига хос териси қалқонсимон йиртқич сув ҳайвони. 38. Кумушсимон тузли модда билан терига ишлов бериш. 39. Шарқона мумтоз шеърий топишмоқ. 40. Давлат рамзи.

БЎЙИГА: 1. Билим маскани. 2. Давлат ҳокимияти томонидан қўриқланадиган, кишиларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи қонун-қоидалар мажмуи. 3. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 4. Ўктам Усмонов романи. 8. Бирор нарса хусусида кенг суръатда эълон қилиш воситаси. 10. Бирор асарга ўхшатма тарзидаги асар. 12. Ўзбекистон жанубидаги шаҳар. 15. Ўзбек халқ достони. 16. Қозон, омоч каби асбоблар қуйиш ҳунармандчилиги. 17. Мамлакат қонун чиқарувчи органи аъзоси. 19. Шапалоқ баргли манзарали ўсимлик. 24. Орол денгизи яқинидаги шаҳар. 25. Исбот қилиниши зарур бўлган, аммо ўзи ҳақиқатга асосланган даъво. 26. Автомобиль қисми. 30. Мамлакатимизда иқлимлаштирилган мўйнали сув жонивори. 31. Миллий нон тури. 34. Дарахтзор. 35. Мусобақаларни бошқарувчи.

БУРЧАКЛАР БЎЙИЧА: 7. Моддаларнинг таркибий тузилиши ва хоссаларини ўрганувчи фан. 9. Ўзбек халқ мақоми. 33. Ўрта денгиздаги оролга номдош давлат. 37. Десна дарёси ирмоғи.

Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари учун ўқув компьютер синфлари сотиб олиш бўйича ўтказилган тендер савдоси якунига кўра, "NCI Projects, INC" шўъба корхонаси ғолиб деб топилганлигини маълум қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-566.
Тиражи 19619. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лиля БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00